



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 10-avgust, chorshanba • № 33 (733) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, муस्ताқил Ватан!

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги фармойишига биноан, Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан «Оролбўйи минтақасининг ҳозирги кўни ва келажаги: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ҳамда мураккаб экологик вазиятни соғломлаштириш, атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш ва яхшилаш масалаларига бағишланди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилати билан ҳамкорликка бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича 2011 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти муҳомама қилинди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

Тарихи улуғвор, келажаги порлоқ



Жиззах вилояти ўзининг моддий ва маънавий салоҳияти, ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етказиш бўйича юртимиз халқ ҳўжалигида салмоқли ўринга эга.

Ислоҳ **КАРИМОВ**

Жиззах — юртимизнинг қадимий воҳаларидан бири. Унинг юз йиллар муқаддам қад рўстлаган кўрган рабоблари, минг йиллик тарихий битикларни ўзида асраган қўяшлари бор. Эрк ва истиқлол учун жон олиб, жон берган ватанпарвар, матонатли, жасур аждодларимиз яшаган бу заминда. Шарқ ва Фарбнинг мадания-маърифий, савдо-сотик ришталарини боғлаган Буюк ипак йўли ўтган бу қадим воҳадан. Бинобарин, кўплай тарихий манбалар, хусусан, юнон тарихчилари — Геродот, Страбон, Эфор ва Клавдийнинг китобларида баён қилинган таърифи тавсифлар шундан далолат беради.

Абу Райҳон Беруний, Ат-Табарий, Истаҳрий, ибн Хавқал каби


алломаларнинг асарларида ҳам воҳа жўғрофияси, ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотлар ўрин олган. Тарихчи ибн Хавқал ҳудудда темир рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш ривож тоғгани, бу ерда тайёрланган металл буюмлар Хуросон ва Эронда кенг тарқалганини ёзади. Шунингдек, тарихий манбаларда қайд этилишича, VII-XII асрларда воҳада қишлоқ ҳўжалиги, хунармандчилик ва савдо-сотик анча тараққий этиб, Жиззах яқинидаги Мирасмандда ҳар ойнинг биринчи кўни катта жаҳон бозори бўлиб ўтган. Жаҳон бозорида Жиззахда тайёрланган жун матолар, турли либослар, пилла, темир ва металл буюмлар, Усрушона ферузаси катта маъқега эга бўлган.

Воҳа тарихи ва ҳаётига оид маълумотлар Заҳририддин Муҳаммад

Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асарида ҳам учрайди. Хусусан, Бобур ўз асарида Жиззах, Зомин, Пишогар, Работи Ҳўжада, бош кўрган Сангзор бўлган Ер йилқ аталмиш ноҳияда бўлганлигини айтди. Унинг «Кеч намоздигар Илон Утида тушуб, от ултуруб этини шишлаб, қабоб қилиб, оғни лаҳза тиндириб отландук. Тонгдин бурунқо Халилия кентига келиб туштук, Халилиядан Дизак келилди... Семиз этлар ва майда этмақлар арзон, чучуқ қовунлар ва яхши узумлар фаровон... Умрумизда мунча фароғат қилмайдур эдук, Муддатулумир омонлиг ва арзонлиг қадрини билмайдур эдук», деган сўзлари Жиззахда қорва, боғдорчилик ҳамда полиз маҳсулотларининг кўплиги ва арзонлиги, халқнинг меҳмондўстлигига ишорадир.

3»

ЖУРНАЛИСТ ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИМИ?



Журналистлар аввало ахборотлар оламида яхши ва ёмонни бир-бирдан ажрата олмайди, ҳаётий билим ва тажрибалари оз, энг муҳими, ҳис-туйғуларга берилиб, осонлик билан ёлгонларга ишониб кетувчи ёшларни муҳофаза этишлари, улар онг шуурини эзгу гоғлар билан бойитиб боришлари лозим.

4-бет

ИНВЕСТОРЛАР ХАВОТИРЛАНМОҚДА



Европа Марказий банки молиявий аҳволни барқарорлаштириш мақсадида евро ҳудудга аъзо давлатларнинг қимматли қоғозларини сотиб олишга қарор қилди. Бу ҳақда банкнинг расмий сайтида эълон қилинди. Аммо, хабарда айтилишича, қарзларини тўлаш ва ноқулай иқтисодий вазиятдан чиқиб ўн молиявий ислохотлар ўтказиб, ЕМБ Италия ва Испания ҳукуматларини «унутган» кўринади.

5-бет

ДАШНОБОДЛИК «РАИС БОБО»



Раис бобо кам таъминланган оилаларга ҳар йили 12-13 миллион сўм атрофида молдий ёрдам кўрсатиб келади. Бундан ташқари, шартнома асосида ўқийдиган 20 та яқин талабага шартнома тўловларини тўлашга кўмаклашади. Одамларнинг маданий дам олиши учун қўрган «Қирқ чинор» чойхонаси ҳам ҳар доим дам олувчилар билан гаўжум. Атроф гулу гулзор. Фавораларнинг кўкка буй чўзиб шовулашини кўриб қалбингиз ёришади.

7-бет

✓ Халқаро муносабатлар

Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти

БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққийёт дастури раҳбари Хелен Кларк мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримовга йўллаган ташаккурномасида:

«Ўзбекистонга яқинда амалга оширган ташрифим асносида Сиз билан учрашиш шарафига мўъяссар бўлганим ва кенг кўламли масалалар юзасидан самарали ҳамда амалий мулоқот олиб бориш, фикр алмашиш имкониятига эга бўлганим учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.


Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим, халқингиз эришаётган ютуқлар мени ҳайратга солди. Ўзбекистон бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Сизнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига (МРМ) эришиш борасида кўрсатаётган шахсий саъй-ҳаракатларингиздан бошқалар ибрат олса арзийди. Аяни пайта, у Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир», деган қалб сўзлари битилган.

Мустақиллик том маънода халқимизнинг миллий манфаатларига мос равишда халқаро ҳамкорлик, очиклик, тенг ҳуқуқлик, ўзаро манфаатдорликка асосланган ташқи сиёсат олиб бориш имконини ҳам берди. Чунки собиқ иттифоқ даврида ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш, ташқи сиёсат, ташқи иқтисодий фаолият ва ҳатто бирор ваддан фуқароларнинг хорижий мамлакатларга бориб-қелиш масаласи ҳам мутлақо мустабид ҳокимият қўлида бўлиб, барча республикалар қатори Ўзбекистон ҳам унинг ҳуқуқига маҳкум эди. Шу сабабли давлатимизда ташқи сиёсий, иқтисодий фаолият юритиш тажрибаси ҳам, у билан шуғулланадиган мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртлари ҳам йўқ эди.

2»

✓ Фаолият

БУЮК КАРВОН КЎЗЛАГАН МАРРА



Шерзод ФУЛОМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

Бундан қарийб 20 йил аввал, шоир таъбири билан айтганда, «буюк карвон йўлга чиқди». Карвоннинг кўзлаган йўли олис, нурли уфққа туташ, орзу-умидларга тўлиқ бўлиб, у мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан йўғрилганди. Бироқ бу йўл чин маънода мураккаб эди. Негаки, мамлакатимизга собиқ тузумдан бир ёқлама ривожлантирилган мажруҳ иқтисодиёт, табиий ва минерал хомашё захираларидан нотўғри

фойдаланиш, экологик носоғлом муҳит, ишлаб чиқарувчи кўчларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги, аҳолининг истеъмол таркибидаги бузилишлар тўғрисида вужудга келган гоғат кескин муаммоларига мерос қолганди. Ёш мустақил давлат юқоридан режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтишининг тартиби ва усулларини ўзи белгилашига тўғри келди. Буларнинг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иқтисодий тараққийётни таъминлашда ўз йўлимизни излашни, ҳар бир соҳа пойдеворига гишт қўйиб, унинг қад ростлаши учун фидокорона иш олиб боришни талаб қиларди. Муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов бошчилигида бу йўл танланди ва унинг механизми пухта ишлаб чиқилди.

Хозирги кунда бутун дунё томонидан тараққийётнинг «Ўзбек модели» деб эътироф этилаётган ва қизиқиш билан ўрганилаётган бу тутумнинг мазмун-моҳияти давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилашга, иқтисодиётни мафқурадани ҳоли этиш, унинг сиёсатдан устуңлигини таъминлаш, давлат бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилганди.

Вақт — олий ҳакам. Бугун орадан йигирма йил ўтди. Бу йилларнинг ҳар бири асрларга татигулик воқеалари билан тарих саҳифаларига муҳрланди.

4»

Тадбир

Республика Давлат божхона қўмитасининг Фаргона вилоят бошқармасида "ЭКОСАН" Халқаро жамоат фонди масъул ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги экологик вазият, хусусан, Урта Осиё минтақасидаги мавжуд муаммолар хусусида фикр алмашилди.

Божхоначилар ҳузурида

Авълумки, Юртбошимизнинг жаҳон миқёсидаги тадбирларда минтақадаги экологик аҳволга оид фикр ва мулоҳазалари, аҳолининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги тасвиялари кун сайин ўз ибтиботини топмоқда. Хусусан, 2010 йил 16-17 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказилган "Урта Осиёнинг трансгегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мактубида билдирган фикрлари нҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунинчи унда: "Ўзбекистоннинг ярим ҳудуди сейсмик зона ҳисобланади, шу ҳудудларда республика аҳолисининг 64 фоизи яшайди. Сув омборлари тўғонларининг сейсмик фаол минтақаларда жойлашгани, жумладан, Тўқтағул (Қирғизистон), Нурек, Қайроққум (Тожикистон) сув омборларининг шикастланиши, Тожикистондаги Рогун сув омборининг бунёд этилиши бўйича қилинаётган ҳаракатлар жуда кўп аҳоли майдонларини вайронга айлантириши эҳтимоли ҳам хавотирли муаммо" эканлиги яна бир бор алоҳида таъкидланган.

Шуни эътироф этиш жоизки, муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон атроф-муҳит муҳофазаси борасида республика ва ҳудудлар дастурларини изчиллик билан бажариб келмоқда. 2010 йилда Киото протоколининг Мусадфо ривожланиш механизми доирасида "Навоиозот", "Фарғонаозот" ва "Максам-Чирчик" ОАЖ корхоналарида атмосферага азот закиси ташланмаларини қисқартириш бўйича янги технологияларни ўрнатил ишлари якунига етказилди. Табиати муҳофазаси қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза, тежамкор технологияларни, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларида амалиётга татбиқ этиш соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар қабул қилиниб, "Экоэнергия" илмий-тадбиқий маркази куёш батареялари ва биогаз ускуналарини тайёрлаш, ўрнатил, ишга тушириш ишлари изчиллик билан давом эттирилипти. Ана шундай сабаб-ҳаракатлар натижасида республикада, айниқса, ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ташланишининг камайиши кузатилмақда.

Мамлакатимизга қўшни бўлган давлатларнинг сув ресурсларидан ноҳожид фойдаланишлари, атроф-муҳитнинг трансгегаравий ифлосланиши, чўлғаниш табиий ва техноген катаклизмларни келтириб чиқариши, юқумли, ўта хавфли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши табиий. Биргина иқлим ўзгаришининг ўзи хавфли об-ҳаво шaroитларини яратиши ва турли юқумли касалликларнинг тарқалиши қўришида инсонларнинг соғлиғига хавф солади, экотизимнинг нобарқарор ривожланиши, тоза ичимлик суви танқислиги каби муаммоларни келтириб чиқаради. Қолаверса, иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг шунчаки кўтарилишини англамайди. Глобал иссиқ дунё океани сатҳининг кўтарилигани, музликларнинг эриши, дарёлар оқимининг ўзгариши ҳамда иқлимнинг беқарорлиги билан боғлиқ бошқа ўзгаришларга сабаб бўлади. Масалан, Марказий Осиёда ҳароратнинг 1-2 даражага кўтарилиши тоғли ҳудудлардаги музаларнинг самарасиз эришига, натижада сув ресурсларининг ҳозиргидан 40 фоизгача камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Учрашувда ана шундай экологик муаммолар ҳақида кенг ва батафсил тушунча берадиган янги адабиётларнинг тақдироти ҳам ўтказилди. Мавзуга доир савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" Халқаро жамоат фонди жамоатчилиги билан алоқалар бўлими бошлиғи

Бўстонай — энг яхши маслаҳатчи



Мамлакатимизда ўтказилаётган «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг Қашқадарь вилояти босқичида 14 нафар маҳалла маслаҳатчиси ўз билим ва малакасини синовдан ўтказди.

Миллий-диний аҳна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этиш, оилаларда соғлом муҳит барқарор бўлишида уларга кўмаклашиш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини, ибратли урф-одат ва аҳналарини тарғиб этишда фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг алоҳида ўрни бор.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза кўрик-танловда иштирокчилар ўз иш фаолиятлари ҳақида тайёрлаган альбом, буклет ва плакатларини намойиш этиш ҳамда ўз маҳалласи тарихи, ҳудудининг ўзига хос хусусиятлари ва маданияти ҳақида тушунча берди. Шунингдек, ҳунармандчилик, хотин-қизларнинг кийиниш маданиятига оид миллий либослар кўрғазмаси ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда виллоятимизда фаолият кўрсатаётган 612 фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида ўн мингдан зиёд турли тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бундай сабаб-ҳаракатлар натижасида 1072 оилада ажралишларнинг олди олинди, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси котибияти мудири Манзура Очилова.

Яқини натижага кўра биринчи ўринни қўлга киритган Қарши туманидаги Работ маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Бўстонай Бекиёзова кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎА мухбири

Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти

(Бошланғич 1-бета)

Истиқлол туфайли ташқи сиёсий-иқтисодий фаолиятни зудлик билан йўлга қўйиш, ўта муҳим, долзарб масалага айланди. Президент Ислам Каримов бошқа соҳалар қатори ташқи сиёсатимизнинг назарий ҳамда амалий томонларини, таъминчиларини, қондаларини ишлаб чиқиш ва ҳар томонлама пухта асослади. Асосий мақсад суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиш, халқаро ҳамкорлик учун кураш, хоржий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, дипломатик, маданий, илмий-техникавий алоқалар ўрнатилгани эди.

Ташқи сиёсат, унинг муҳим қондалари Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддаси ва унинг асосида қабул қилинган ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни тартибга солидиган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва бошқа қонунларда қафолатланди. Ташқи алоқаларни таъминлайдиган давлат муассасалари, уларга мутахассислар тайёрлаб берувчи ўқув юртли фаолият бошлади.

Муस्ताқилликнинг дастлабки кунларидамоқ давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилишга, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга интилди ва бу ишни изчил давом эттириб келмоқда. Ўзбекистон ўз муस्ताқиллигини эълон қилгандан

сўнг жаҳоннинг 60 га яқин энг нуфузли ташкилотларига аъзо бўлиб кирди. Булар — БМТ, ЕХТ, Европа Иттифоқи, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Осиё банки ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар эди.

1992 йил 2 март мустақил Ўзбекистон тарихида энг муҳим саналардан бири бўлиб қолади. Чунки шу кундан йўналишлар камрови ҳамда глобал миқёсда нуфузи жиҳатидан дунёда алоҳида ўрин эгаллайдиган БМТ аъзолигига қабул қилинди. БМТ барча давлатлар, минтақалар, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим, долзарб масалаларини сайёрамиз миқёсида ўрганиш ва ҳал қилишда асосий роль ўйнаб келаётган ташкилотдир. Шунинг учун унга аъзо бўлиш ҳар бир муқтақил давлат учун фахр ҳисобланади.

БМТ «Бугунги кун ва келажак авлод учун тинч ҳаёт» шiori остида фаровонлик, атроф-муҳит ҳамда қочқорлар ҳимояси, терроризм, куруланиш пойгасининг олдини олиш, демократияни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, соғлиқни сақлаш, фан, маданиятни ривожлантириш бўйича кенг қамровли фаолият кўрсатиб келмоқда. Тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, табиий офатларни бартараф қилишда маҳаллий ва ҳуқуқ ташкилотларининг масъулиятини ошириш, азият чеккан одамларга кўмаклашиш, гуманитар ёрдам соҳасида кенг қамровли ишлари бажармоқда. Ҳозирги кунда БМТ фаолиятининг му-

ҳим йўналишларидан бири аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилганидир. Шу мақсадда БМТнинг хотин-қизлар манфаатлари учун ривожланиш жамғармаси — ЮНИФЕМ ташкил қилинди ва 2011 йил январдан ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида БМТ низомига, умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрларга, давлатлараро муомала қондаларига ва талабларига тўла риоя қилган ҳолда ҳамкорликнинг қўламини кенгайтириб, тобора фаоллашиб бормоқда.

1993 йил 26-28 сентябрь кунлари Юртбошимиз муқтақил давлат раҳбари сифатида биринчи марта БМТнинг 48-сессиясига иштирок этиб, унда минтақамизда хавфсизлик, тинчлик ва тотулиқни таъминлаш, давлатлар ўртасида барқарорлик, ҳамкорликни кучайтириш, уни ядросиз зона деб эълон қилиш, бу минтақда кимёвий, бактереологик куруланиш тарқатмаслик, нарқобизнесга, халқаро терроризмга қарши курашни кучайтириш, Оролни ва Орол бўйида истиқоқ қилидиган аҳоли яшаш масканларини экологик фаолиятдан қутқариш каби муҳим масалаларда тақлифлар киритган эди. Юртбошимиз кўтарган масалалар бўйича халқаро даражадаги ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозиргача Ўзбекистон томонидан БМТ сессияларида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жумладан, Афғонистонда урушга чек қўйиш, бу муаммони ечиш учун БМТ раҳамоллигида 6+3 мулоқот гуруҳини таш-

кил қилиш, БМТ қошида терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш каби ташаббусларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қўзиқиш билан қўтиб олинганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Юртбошимизнинг 2010 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги иштироки БМТ ва Ўзбекистон ўзаро алоқаларини янада юксалтиришга янги куч бағишлади.

Ўзбекистон БМТнинг барча иктирослашган ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Айниқса таълим, фан, маданият бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги кенг қўламоқда бормоқда. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темир, Мирзо Улуғбекнинг таъваллуд кунлари, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон шаҳарларининг муборақ саналари халқаро доирада кенг нишонланди. Ўзбекистондан 441 объекти ЮНЕСКОНинг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатида киритилган.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқени янада кучайтириш бўйича амалга ошираётган изчил сиёсатининг натижаси ўлароқ, минтақавий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабати тобора кенгайиб бормоқда. Ана шундай ҳамкор ташкилотлардан бири Европа Иттифоқидир. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари 1992 йил 15 апрелда бошланган. 1994 йилдан дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1996 йил-

да Европа Иттифоқининг Флоренцияда бўлиб ўтган давлат бошлиқлари саммитида Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ўртасида «Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида» битим имзоланди. Бу билан ўзаро алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий пойдевор яратилди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот, иқтисодий, маданий, инсонпарварлик алоқалари ҳамда минтақавий ва экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари устувор йўналишдир. Европа Иттифоқи Урта Осиёдаги трансгегаравий дарёларнинг сув манбаларидан фойдаланиш борасида манфаатдор томонларнинг ҳамжиҳатлиқда ҳамкорлик қилиши, экологик мувозанатни сақлаш ҳамда трансгегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан адолатли фойдаланишига доир барқарор, ошқора механизмларини ишлаб чиқиш тарафдоридир.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий шериги бўлиб, мамлакатимиз ташқи савдосида иккинчи ўринни эгаллайди. Масалан, 2010 йил Европа Иттифоқи давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 965 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2009 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,2 фоизга ўсди. Мамлакатимизда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг шериклигида 821 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 612 таси қўшма корхона, 209 таси 100 фоизлик Европа Иттифоқи маблағи асосида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Унинг халқаро ва минтақавий муносабатларни ривожлантириш ва ҳал қилишдаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Шундай экан, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ўз алоқаларини йил сайин кенгайтириши жуда катта аҳамиятга эга.

Ўбайдулла РОЗУҚУЛОВ,
Искандар ҲАЙИТОВ,
тарих фанлари номзодлари

Одам савдоси

Кўр ҳассасини неча марта йўқотади?

Бугунги кунда одам савдоси аталмиш иллатнинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани, ҳар йили миллионлаб инсонлар ушбу офатнинг домиса илинаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Қимларнингдир ёлгон ваъдаларига учиб минг бир балога ширфтор бўлиб қайтган ҳамюртларимиз қисмати ҳам эндиликда ҳеч қимга сир эмас. Аммо, минг таассуфки, айрим юртдошларимиз буни кўра-била туриб ана шу қисматни танлаётгани парвонанинг ўзини ўтга уришини эсга солади.

Тошкент, 2010 йил, сентябрь

Назокат (исми ўзгартрилган) шaҳрининг чекка мазоалиридан биридаги учрашув белгиланган хонадонни бир амаллаб топиб борди. Уй ағалари уни очик чехра билан қўтиб олишти. Қисқа салом-алиқдан сўнг Назокат максидни баён қилди. Аслида мақсад ҳар икки томонга маълум эди.

Гап шундаки, Назокат сўнгги икки йиллик умрини Туркияда ўтказган, у ерда яхши-ёмон кунларни бошидан кечирган, ушбу мамлакат қонунчилиги талабларини бузгани учун Ўзбекистонга депортация қилинган.

Қилган хатоларидан пушаймон бўлиш, тегишли хулоса чиқариш ўрнига Назокатнинг кўнгли яна Туркия ҳавосини тусаб қолди. Лекин таққ муҳри босилган паспорт билан бу мамлакатга киришининг иложи йўқ. Нима қилмоқ керак? Назокат ана шу саволга жавоб истаб, таниш-билишлардан сўраб-суриштириб, ана шу манзилни топиб келганди.

— Пул бўлса, йўлини топса бўлади, синглим, — деди хонадон бекаси Гулмира опа. — Туркияга ҳам борасиз, иш ҳам топилади. Хуллас... ҳаммаси яхши бўлади.

— Опажон, ёрдам бермасангиз бўлмайди, — деди Назокат йилғамсираб. — Ҳозир иқтисодий томондан сал қийналиб турибман. Қандай бўлмасин кетишим керак.

— Сиз Туркияга Қирғизистон орқали учасиз. Узингиз ҳам бир думалаб "Қирғизистон фуқароси"га айланасиз. Қирғиз паспорти билан борсангиз, Истамбулда ҳеч қандай муаммага дуч келмайсиз.

— Қандай қилиб? — ҳайратланди Назокат.

— Ойбек деган бир танишим бор. Бир-икки кундан кейин келади. Паспорт билан боғлиқ масалаларда у ёрдам беради. Сиз менга 2650 доллар, паспорт нухсаси ва сурат олиб келсангиз, бу ёғи оппа-осон қўлади.

— Ҳозир икки минг атрофида пул тўллаб қўювдим. Шуни бериб, қолганини Истамбулда, маошимдан тўласам бўлмайми?

— Бўлади, — деди Гулмира опа...

Назокат айтилган пайтда пул ва ҳужжатларни олиб келди. Ҳамма масалалар олдиндан келишиб олинди. Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Гулмира опа Назоқатни чақирди.

— Мана бу Моҳирбек исми йигитнинг паспорти, бу телефон рақами, — деди Гулмира опа уларни Назоқатга бераркан. — У сизни аэропортуда кутади. Бишкекка учадиган самолётга билет ҳам унинг қўлида. У сизга билетни беради, сиз эса унинг йўқираси билан паспортни берасиз. Кейин Бишкекка учасиз. Аэропортуда сизни Ойбек қўтиб олади.

Назокат унинг айтганини қилди. Аэропортуда Моҳирбекнинг ёнида турган ана икки киз унга ҳамроҳ бўлди.

Бишкек, 2010 йил, октябрь
Чиндан ҳам Бишкекнинг "Манас" аэропортида қизларни Гулмира опанинг шериги — Ойбек қўтиб олганини қўриб, Назоқатнинг юрагини кемираётган шубҳалар бироз орта кечинди. Ойбек уларни шаҳардаги қўпқаватли уйлардан бирига бошлаб борди. Бу ерда ана учта киз бор экан. Уларнинг ҳеч бири ўзини қандай қисмат кутаётганини билмасди.

— Мен сизларга янги паспорт тайёрлаб келгунимга қадар шу уйдан чиқмасдан ўтирасизлар, — уқтирди Ойбек қатъий оҳангда. — Агар ўзбошимчилик билан чиқиб кетадиган бўлсангизлар, ўзингизлардан қўринглар.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Ойбек қўлида Қирғизистон герби туширилган қизил муқовали паспортларни олиб келиб, қизларга тарқатди.

"Одилова Нафиса Аҳмеджановна" — ўз сурати ёнидаги бу битикин ўқиб, Назокат ҳаммасини тушунди. Унинг сурати бошқа аёлнинг паспорти саҳифаси-

га ўта-усталик билан жойлаштирилган эди. Ха, у энди бутунлай янги одам, янги исм ва янги паспортга кўниқибди лозим. Узининг ҳақиқий паспорти панд берганидан кейин илож қанча?

— Боришларинг билан сизларни Нигора исми аёл қўтиб олади. Ҳақиқий паспортларинг ана шу аёлда туради. Ишлаб қарзини тўлаганинглардан кейин паспортларингиз қайтариб беради.

Қизлар «розимиз» дегандай бирварақайига бош иргашди. Назокат сохта паспорт билан самолётга ўтираркан, ўз истакларини амалга ошириш йўлида ноқонуний ишга қўл ургани ҳақида ўйлашни ҳам истамасди.

Истамбул, 2010 йил, ноябрь
Нихоят, Назокат учун таниш шаҳар, таниш қўчалар, таниш манзаралар... фақат ўзи ўзига нотаниш, холос. Ахир, у энди тамомила бошқа одам. Бошқа мамлакатнинг вакили. Нима бўлганда ҳам у ўз «ҳомийлари»нинг йўриғига ўришга мажбур. У Ойбекнинг айтганига амал қилиб, ҳақиқий паспортини Нигора исми аёлга тутқазди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Гулмиранинг ўзи ҳам етиб келди. У бошқа қизларни тегишли жойларга жўнатиб, Назоқатни ўзи билан олиб кетди.

— Сизга яхши бир иш гаплашиб қўйганман, — деди Гулмира уни Истамбулдаги уйига олиб боргач. — Офицантлик қиласиз. Маоши жойида, чойчақа ҳам тушиб туради. Эртага сизни ўша жойга олиб бораман.

— Умрингиздан барака топинг, опа, — уни алқашга ўтди Назокат. — Ҳамма айтганингизни қиламан.

— Эшитган бўлсанг ажаб қилсан. Энди орқага йўл йўқ. Мен сени ишга жойлаш учун казино раҳбаридан минг доллар олиб қўйганман. Бунинг устига ҳали сен ўз қарзингни тўлаганин йўқ. Паспортинг бизнинг қўлимизда. Ҳеч қаерга кетолмайсан. Барибир айтганимизни қилишга мажбурсан.

Гулмира шундай дея Назоқатнинг сохта паспортини ҳам тортиб олди. Қопқонга тушганини пайқанган Назокат ўйлаб-ўйлаб, маҳаллий полиция маҳкамасига мурожаат қилди. Полиция маъмурулари Гулмирани чақиртириб, ундан ҳар иккала паспортни олишти ва Назоқатга қайтариб беришти. Назокат Туркиядаги бир таннишдан йўқирага пул олиб, яна Қирғизистоннинг сохта паспорти билан Тошкентга қайтди.

Назокат қилган хатоларидан хулоса чиқаришга шошилмади. Унинг паспорти сохта эканини ҳеч қим сезгани йўқ. Демак, бу паспорт унга ҳали кўп марта қўл келиши мумкин. Назокат Тошкентда ҳар мундат туриб, чала ишларини битириб олгач, яна Қирғизистон фуқароси сифатида Истамбулга учди. Бирок бу гал унинг омади ўришмади. Тегишли идоралар вакиллари томонидан унинг сохта паспортига депортация муҳри босилиб, ортага қайтарилди.

Тошкент, 2011 йил, апрель
Тошкент халқаро аэропортида Назоқатни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари қўтиб туришарди. Дарҳол суриштирув ишлари бошланди. Жинойи иш қўзғатилди. Назокат Облоқулованинг кўрсатмалари асосида одам савдоси билан шуғулланиб келган бир жинойи тўданнинг кирдикорлари фош этилди. Тўданнинг ҳар бир аъзоси жавобгарликка тортилди.

Назокат ва у сингари қанчадан-қанча қиз-жувонларни гаразли мақсадларда ўзга юртлиларга жория қилиб сотмоқчи бўлганлар ҳар қанча жазога лойиқ. Аммо, Назоқатнинг ҳаракатлари ҳам асло оқлаб бўлмайди. Мамлакат чегарасини ноқонуний равишда бузиб ўтиш, ҳужжатларни сохталаштириш жиноят эканини у билмасини?

Бу ўрнида ҳали 20 га ҳам тўлмаган Моҳирбек Турсуновнинг ҳам айбини айтиб ўтиш жоиз. У жинойи гуруҳ ишларига шерик бўлиб, қизларни ноқонуний равишда хоржга жўнатишга ёрдам берган. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари уни қўлга олишганда ёнидан 21 ёшли яна бир қизнинг паспорти топилди.

Албатта, бундай қўнғилсиз ҳолатларнинг ҳамон учраётганини қўнғилни хижил қилади. Одам савдосидек муҳдиш иллатни тағ-томири билан йўқотиш учун ҳар биримиз оғоҳ бўлишимиз, масъулиятни ҳис этишимиз лозим.

СОШИБ ИХТИЁР

ЎЗБЕК ИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ **Почта алоқаси** **Хизматларидан фойдаланинг!**
Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади
Телефон: (8 371) 233-57-47
Сайт: www.pochta.uz, E-mail: oao@post.uz

ЖАРАЁН

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:


Тарихи улугвор, келажаги порлоқ

(Бошланғич 1-бепда)

Ана шундай узок ва бой тарихга эга воҳа бетакрор табиати — рангбаранг табиий манзаралари, ноёб ва экзотик рельефи, ўзига хос иклими билан ҳам ажралиб туради. Вилоят худудининг анча қисмини ташкил этган Молгузар, Кўйтош, Писталитоғ, Губдин каби тоғ ва тоғ ёнбағирларидаги бир-биридан гўзал манзаралар — улкан даралар устида, қирлар ва сойликлар, арчазорлар, бодомзору ёнғоқзорлар, ўлоқлар, музликлардан бошланган ирмоқлар, шаршалар, шунингдек, бегиҳа мусаффо ҳаво киши кўнглига ажиб тароват, шухуқ бағишлайди. Айниқса, Бахмал, Зомин ва Фориш туманларининг тоғли худудларидаги қалин арчазорлар, баҳайбат даралар, сойликлардаги тошқин сувлар гўё табиат кўргазмасини эслабди. Зомин туманида ташкил қилинган Халқ парки ва Зомин кўрхонасида эса 30 дан ортиқ доривор ўсимликлар ўсади, оқ тирноқли айик, бўрсиқ, олқор, жайра, шу билан бирга, қора турна, бундуруқ, тувалок, тустовуқ каби камёб ҳайвонлар ва паррандаларнинг 150 дан ортиқ турлари учрайди.

Воҳанинг ўзига хос қулай табиий шароити, кескин континентал иклими, тоғ ён бағирлари, шунингдек, чўл зонасидаги ҳосилдор ерлари қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўлаб соҳаларда катта имкониятлар яратяди. Қолаверса, виллоятда ҳали қазиб олишга киришилмаган жуда катта микдордаги ер ости бойликлари — аъло навли олтин, темир, вольфрам, қўрғошин, калий, молибден, рух, азарит қуварлар ва бошқа захираси ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси виллоятнинг юксак иқтисодий салоҳияти ва порлоқ келажигидан дарак беради.

Мустиқиллик Жиззах ва жиззахликлар ҳаётига оламшумул ўзгаришларни олиб кирди. Бу ўзгаришлар, энг аввало, одамлар дунёқарашида, фикрлаш тарзида кўзга яққол ташланди. Жиззахликлар «Шу юрт, шу замин меники, унинг равақи, истиқболни учун ашайман, ишлайман» деган қатъий фикр билан астойдил меҳнат қила бошладилар. Натижада сўнгги йигирма йил ичида воҳанинг барча жабҳаларида кенг қамровли бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари олиб борилди. Қишлоқ хўжалиги, саноат, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Қисқа вақт ичида кўпгина соҳаларда хомашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Наинки виллоят ва туман марказларида, ҳатто энг олис қишлоқларда ҳам замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўлаб ижтимоий объектлар қад ростлади. Аҳолининг реал даромадлари сезиларли даражада ортиб, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» тамойиллари асосида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар самараси, албатта.





Истиқлол йилларида виллоятда эришилган ютуқлар салмоғи турли йиллардаги кўрсаткичлар қисқисида янада яққол намойён бўлади. Келинг, шу ўринда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи саналган саноат соҳасини олиб кўрайлик. Агар бундан беш йил муқаддам, яъни 2006 йил якуни буйича виллоятда жами 145 та саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида уларнинг сони 1030 тага етди. Утган йилга нисбатан машинасозлик саноатида 148,6 фоизга, озиқ-ов-

қат саноатида 124,7 фоизга, ун-ёрма ва омухта ем саноатида 120,6 фоизга, ёқилги саноатида 536,4 фоизга, электр энергияси саноатида 185,4 фоизга ўсиш таъминланди. Айни пайтда эса 69 та истиқболли лойиҳани ўз ичига олган «2011-2015 йилларга мўлжалланган саноатни ривожлантириш дастури»ни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Мазкур дастур амалга ошиши билан саноатнинг умумий ҳажми 2015 йилга бориб 585,6 миллиард сўмни ташкил қилиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2,3 экспорт ҳажми 5,5 баробарга кўпайиши кутилмоқда. Ана шундай 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

«2009-2012 йилларда Жиззах виллоятининг саноат салоҳиятини ошириш бўйича худудий Дастурига кўра бу йил умумий қиймати 4,9 миллиард сўм ва 45 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 130 та лойиҳани амалга ошириш, 3516 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида режадаги 62 та ўрнига 69 та саноат йўналишидаги ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу лойиҳаларга барча манбаалар ҳисобидан 5,6 миллиард сўм ва 1,5 миллион АҚШ доллари микдоридagi инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 32 та лойиҳа ишга туширилди. Фаллаорол туманидаги «Маржона Мадад Ҳамкор» МЧЖда нон маҳсулотлари, «Русланбек Рус-тамбек» хусусий корхонасида минерал сув, «Кафолат Юксалиш», «Тарихни англамоқ» ва Жиззах шаҳридаги «Жиззах Россия инвест» МЧЖ корхоналарида ўсимлик ёғи, Зомин туманидаги «Шаҳзода Камронбек» корхонасида сутни қайта ишлаш, Мирзачўл туманидаги «Т.Ахунова» фермер хўжалиги ва Пахтакор туманидаги «Пахтакор тилсим» хусусий корхонасида қандолот маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Шунингдек, Фаллаорол туманидаги «Умиджон техно сервис» ва «Норкулбой гузар» Дўстлик туманидаги «Адолат куртаги», Зомин туманидаги «А.Бошмонов», Жиззах туманидаги «Азиз» ҳамда Янгиобод туманидаги «Янгиобод чеварлари» каби 37 та хусусий корхона ва фирмаларда қурилиш материаллари, тиквуччилик ҳамда мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йил охирига қадар виллоятда яна 61 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Маҳаллий хомашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисо-



дий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутяди. Шу боис, мустиқиллик йилларида виллоятда ушбу масалага катта эътибор қаратилди. Биргина ўтган йили маҳаллийлаштириш дастурига киритилган «Жиззахластмасса» ва «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятлари, «Замонавий полимеркувур» ва «Евроазия Карпет» маъсуляти чекланган жамиятлари, «Иморат АДА» хусусий фирмаси томонидан аккумуляторлар, пластмасса қувурлар, полипропилен ипи, юқори маркали қурилиш гипси,

томпаңаж цемент каби 33 миллиард 863 миллион 600 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 950,3 минг АҚШ доллари микдоридagi валюта иқти-соди қилинди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса тежаб қолинган маблағ 762,2 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Жиззах виллоятда азалдан миллий хунармандчилик тараққи этиб келган. Хусусан, воҳа шаҳар ва қишлоқларида қулоччилик, темирчилик, соғарчилик зардўзлик, каштачилик каби хунармандчилик турлари авлоддан-авлодга ўтиб, ўзига хос сайқал топган. Истиқлол шарофати билан виллоятда миллий хунармандчилик қайтадан кўз очиб, янада кенг қулоқ ёйди. Бугун Бахмал ва Кўйтош чеварлари томонидан чинакам санъат асарлари даражасига етказилган гиламларнинг доврўги хатто хорижий юртларда ҳам машҳур. Форишлик соз усталари ясаган дутор ва танбулар, бахмаллик темирчиликнинг меҳнат маҳсули бўлган турли хил буюмлар ҳалқ бадиий хунармандчилигининг ноёб намуналари сифатида алоҳида эътироф этилади. Жиззахлик чеварлар тиккан тўй либослари, зар тўнлар, болаларнинг безакли кийимлари эса кишида ўзгача ҳавас ва ҳайрат уйғотяди.

— Темирчилик бизга ота касб, — дейди жиззахлик хунарманд Ваҳоб Норпўлатов. — Бу касбни ҳозир фарзандларим ҳам давом эттиришпти. Уғлим Саҳоб билан ҳар ойда 300 га яқин кетмон, белқурак, ўроқ, печ, самовар ва бошқа зарур рўзгор буюмларини ясаймиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Шу касб орқасидан уйлар қураймиз, тўйлар қилаёмиз. Халол меҳнатимиз туфайли обрў-эътибор, ҳурмат топдик. Айниқса, виллоят «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлганимиздан кейин солиқ тўловларини тўлашда, хомашё таъминотида имкониятларимиз ошди. Бу ишимизни янаям кенгайтиришга хизмат қилмоқда.



бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Натижада экин майдонларининг ҳосилдорлик даражаси кескин ортиди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда катта ютуқларга эришилди. Ҳатто қишлоқ хўжалиги учун ноқулай келган жорий йилда ҳам виллоят бўйича 389 минг 600 тонна сара дон йиғиб-териб олинди ёки ўтган йилга нисбатан 12,8 минг тонна кўп маҳсулот етиштирилди. Давлатга пилла-сотиш шартномавий режа эса 101,5 фоизга бажарилиди. Шу билан бирга, жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида чорвачилик ва паррандачилик соҳаларида ҳам ўсишга эришилди. Хусусан, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда гўштининг 98,2 фоизи, сутнинг 97,3 фоизи, туҳунининг 83 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўри келди.

Ҳозирги кунда виллоятнинг барча худудларида боғдорчилик изчил ривожланмоқда. Бахмал туманида эса бу тармоқни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Айниқса, тумандаги Ойқор, Музбўлоқ, Нўшкент, Қирққилшоқ, Новка, Бошмозор боғларининг доврўги етти кентга тарқалган.

— Эски ширкат хўжалиги даврида парварошининг яхши бўлмагани оқибатида мевадари дарахтларнинг айримлари қуриб, боғлар анча сийраклашиб қолган эди, — дейди қирққилшоқлик соҳибкор Синдор Гўлбоев. — Хусусийлаштирилган, боғларни ўғитлаш, парваришлаш ишлари тубдан яхшиланди. Қуриб қолган мевадари дарахтлар ўрнига ёш кўчатлар экилди. Мен ҳам бир ярим гектар боғ олган эдим. Шу ҳисобдан оиламизда тўрт киши ишлаб бўлди. Ҳосилни бозорга, туманидаги қайта ишловчи корхоналарга сотишдан яхшигина даромад олаёмиз.

Миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида виллоят ҳокимлиги ҳузурида хунармандларга амалий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳ томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, виллоятда «Хунарманд» уюшмаси аъзоси сифатида рўйхатга олинганлардан ташқари қасаначилик асосида турли корхоналарда, маиший хизмат шохобчаларида юзлаб хунармандлар меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, уюшма қошида очилган «Қасаначилик маркази» хунармандларнинг шартнома асосида корхоналарга ишга жойлаштиришга яқиндан кўмаклашаётир. Хунарманд усталарнинг меҳнат шартини янада яхшилаш, касб маҳоратини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада «Уста-шоғирд» анъаналари миллий хунармандчилигимизга кенг татбиқ этиш имконияти яратилляпти. Бу саъй-ҳаракатлар халқ хунармандчилиги ва амалий санъатининг умри боқийлигини кўрсатиб турибди.

Қишлоқ хўжалиги виллоят иқтисодиётида салмоқли ўрин тутяди. Эътироф этиш лозимки, мустиқиллик йилларида мазкур соҳада олиб борилган ислохотлар ўз самарасини берди. Ер ўзининг ҳақиқий эгалари — фермерларга топширилган, ерга



корхона ишга туширилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда виллоятнинг энг чакта туманларида ҳам фермер хўжаликлари томонидан кўлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишга тушириляётгани эътирофга лойиқ. Ана шундай фермер хўжаликларида бири — Бу Дўстлик туманидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалигидир. Бугун Дўстмат Қодирқулов бошчилик қилаётган, виллоят марказидан анча олисда жойлашган ушбу фермер хўжалиги қарашли кичик корхонада сифатли чорвачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, депхон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтириши рағбатлантириши кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чорва-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори фермерни кўнглидаги режаларини амалга оширишга ундади. У иқтисодчи мухтаassisи сифатида ўз лойиҳасининг истиқболларини аниқ ҳисоб-китоб қилиб, чорвачиликни йўлга қўйди. 200 бош қорамолга мўлжалланган ферма, бузоқлар учун алоҳида жой, ей саклаш ва озуқа тайёрлаш жойларини қурди. Кейинчалик хориждан зотдор қорамолларни олиб келиб кўпайтирди. Бугунга келиб хўжаликда насли моллар 170 бошга етказилди. Шунингдек, 400 бошга яқин қўй-эчки, 14 бош йилки боқилмоқда.

— Президентимизнинг ташаббуси билан «Ўзаспомарказ»-да ташкил этилган минитехнологиялар кўргазмаси қайта ишлаш корхонаси қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишда катта имконият яратди, — дейди уста фермер. — Исроилининг «Векіп» компанияси билан шартнома тузиб, сутни қайта ишлаш технологиясини олиб келдик.

Ҳозирги пайтда кичик корхонада тайёрланяётган пастерланган сўт, қатик, қаймоқ, пишлоқ, бринза, мевали творог, парhez творог, йогурт, сариёғ ва бошқа турдаги маҳсулотлар Жиззах ва Сирдарё виллоятлари соғлиқни саклаш, халқ таълими муассасаларига, ички бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Маълумки, таълим тизимига бўлган эътибор юрт тараққиётини, унинг эртасини белгилаб

Туманда боғдорчиликдан берака топиб, рўзгори тўкин бўлаётган оилалар тобора кўпайиб бораёпти. Экин майдонларининг оптималлаштирилиши туфайли боғдорчиликка иқтисослашган фермер хўжаликлари йириклашиб, имкониятлари анча кенгайди.

Бахмалда мева-узумчиликнинг ривожига қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш имконини бермоқда. Ҳозир туманда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган бешта корхона ишлаб турибди. Фермерлар ҳам қайта ишлаш линияларини барпо этмоқдалар. Утган йили Ойқор қишлоғидаги «Нур» боғдорчилик хўжалигида ана шундай



беради. Мамакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби мустиқиллик йилларида Жиззах виллоятда таълим тизимига катта эътибор қаратилди. Хусусан, виллоятдаги 527 та умумтаълим мактабида қурилот, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий қиёфга эга бўлди. Шундан 27 та мактаб янгидан бунёд этилди, 237 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 235 та таълим муассасаси капитал таъмирланди, 28 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Мактабларнинг мебель жиҳозлари ўқув лаборатория, аъвобузқулналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлаш учун 26,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Виллоятда ҳозирги кунда 47635 ўқувчи ўрнига эга бўлган 75 та касб-хунар коллежи ва 3050 ўқувчи ўрнига эга 4 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Касб-хунар коллежларида 87 та таълим йўналишига оид 111 та касб бўйича мутахассисликлар тайёрланмоқда.

Коллежлар ва академик лицейларда ўқувчилар талаб даражасида билим олиб, касб-хунар сирларини эгаллашлари учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, 16 та таълим муассасаси Япония, Польша, Германия, Корея давлатлари грантлари ҳамда Осие Тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан жиҳозланган. Физика, кимё, биология кабинетлари, лингафон ўқув хоналари ҳамда компьютер синфлари билан жиҳозланган таълим масканларининг аксарияти Ziyonet жамоат таълим тармоғига уланди. 114 та компьютер синфиди 1851 та персонал компьютердан таълим жараёнида самарали фойдаланилмоқда. Айни чоғда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустиқамлаш борасида ҳам кўлаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мустиқиллик йилларида жиззахлик спортчилар республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб иштирок этишди. Биргина 2010 йилда виллоят спортчилари 30 та халқаро турнирда қатнашиб, 5 та олтин, 8 та кумуш ва 8 та бронза медалларини қўлга кўришти. Жорий йилнинг 6 ойи давомида эса виллоят спортчилари халқаро мусобақаларда 4 олтин, 7 кумуш, 4 бронза, республика беллашуварларида 28 та олтин, 31 та кумуш, 38 та бронза медаллари билан тақдирланди. Айниқса, спортнинг бокс, эркин кураш, шахмат, енгил атлетика, дзюдо, турон, юнон-рум кураши, самбо, сузич ва қўл жанги турлари бўйича эришилган натижалар анча салмоқли бўлди. Нуфузли халқаро мусобақаларда Хуршид Тожиев, Юлдуз Ҳамроқуллова, Шохрух Хўжабеков, Маъруф Соилов, Бобур Айтбоев, Роман Шуткан, Ирода Абдурахмонова, Шаҳодат Сўпиҳонова, Севара Йўлдошева, Олим Равшанов сингари



маҳоратли спортчилар нафақат виллоят, балки мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Виллоятда ҳозирги кунда 27 спорт федерацияси, 15 та спорт-соғломлаштириш клуби фаолият юритмоқда. Шунингдек, мавжуд 27 та спорт мактабида 15 мингдан ортиқ ўқувчилар олиб бориш учун Республика Болалар спортини ривожлантириш жағмаси виллоят филиали томонидан спорт жиҳозлари билан таъминланган.

Мустиқиллик йилларида, айниқса, жорий йилда виллоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб бориляётган ишлар таҳсинга сазовордир. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида виллоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони тобора ортиб бораётир. Масалан, жорий йилнинг дастлабки чоғида 1121 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 7754 тага етди. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 945,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 600 киши маълум курсатилди. Кичик бизнеснинг экспортдаги ҳиссаси эса 41127,8 минг АҚШ доллари ташкил қилди. Бу виллоят умумий экспортининг 52 фоизи демакдир.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» виллоят дастури доирасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларга барча манбалар ҳисобидан жами 163,3 миллиард сўм ва 7,6 миллион АҚШ доллари микдорида маблағлар ўзлаштирилиши белгиланган. Йилнинг биринчи чоғида йиллик режанинг 62 фоизи микдоридagi маблағлар ўзлаштирилди.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига 64,5 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу кредит маблағларининг 7 миллиард 937 миллион сўми саноат соҳасига, 25 миллиард 187 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 12 миллиард 534 миллион сўми савдо соҳасига, 5 миллиард 99 миллион сўми қурилиш соҳасига, 3 миллиард 925 миллион сўми маиший хизмат кўрсатиш соҳасига ва 9 миллиард 868 миллион сўми бошқа тармоқларга йўналтирилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган лойиҳалар натижасида 17,9 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Виллоят тадбиркорларига яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида жорий йилнинг 29-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг Республика босқичида Жиззах шаҳридаги «Жиззах қўқинур» корхонаси «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 3-ўринни эгаллаган бўлса, Дўстлик туманидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалиги «Менинг юртим — менинг ифтихорим» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.

Виллоят ахли яқин кунларда катта тантаналар билан нишонланадиган Ватанимиз мустиқиллигининг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга астойдил ҳозирлик кўрмоқда. Жиззахликларнинг барча жабҳаларда эришган, эришаётган ютуқлари бу кутлуг ўйига муносиб туғфа бўлишига ишончимиз қомил.

Қамол АЛЛАЁРОВ,
Абдуғани МАМАСОҚОВ,
Норкул МАМИРОВ,
«Hurriyat» мухбирлари

БУЮК КАРВОН КЎЗЛАГАН МАРРА

(Бошланғич Х.бетда)

Зеро, буюк сохибқирон бобокало-нимиз Амир Темурайтганидек. "Кудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз курдирган биноларга боқинг". Бу йиллар давомида эришган, гурур билан дунёга намойиш эта олади-ган ютуқларимиз оз эмас. Энг аввало, халқимизнинг қадриятлари, маънавий мероси қайта қад рост-лади. Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Бур-хониддин Марғинович каби кўплаб улуг аждодларимизнинг муборак номлари улугланди, қабрлари халқимиз ва меҳмонлар учун муқаддас ва обод зиёратгоҳларга айланди. Уларнинг қутлуг саналари муноса-бати билан ўтказилган қатор тад-бирлар дунёнинг турли мамлакат-лари ва халқларга таъкилотлардан ташриф буюрган нуфузли меҳмон-лар иштирокида ўтгани юртимиз шухратини жаҳон аро таратди. Ахир, Юртобимиз эътибор билан айтган-да: "Биз киммиз, қандай буюк аждодларингиз авлодимиз?"

Иқтилол йиллари шаҳар-қишлоқ-ларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент бу-гунги кунда дунёдаги энг ўзгал ва замонавий шаҳарлардан бирига ай-ланди. Афсонавий Самарқанд, Бу-хорои шариф, ям-яшил Шаҳрисабз, мафтун Хива каби қадимий ша-ҳарларимиз ҳозирги кунда нафақат бебаҳо обидалари билан, айни вақт-да миллий ва замонавий меъмор-чилик анъаналари уйғунлашган бе-такрор бинолари, бог-хиёбонлари билан ҳам машхур. Истиқлол мевас-иси бўлган ўзбек автомобилсозлиги гуруримизга гурур кўшади. Замона-вий "Нексия", "Дамас", "Матиз", "Ласетти", "Эпика", "Каптива", "Спарк" каби турли русумдаги ав-томобиллар кўчаларимизни тўлд-риб, юракларда ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Ваҳоланки, бундан 20 йил бурун ўз автомобилсозлигимиз вужудга келиши мумкинлигини хаёлга ҳам келтирмаган эдик. Бугун эса автомобилларимиз нафақат юр-тимиз, балки жаҳоннинг турли ма-млакатлари бозорларида ҳам хари-доригр ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизнинг улкан салоҳи-ятини рўёбга чиқариш, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришда кенг ва рабон йўлларнинг аҳамияти беқийс. Истиқлол йилларида юр-тимизда йўлсозлик борасида кенг ка-ровли бўёқдорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги сай-ҳаракатлар давом этмоқда. Бирги-на ўтган йили фақат автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилган-и, шунинг ҳисобидан мамлакатим-изда 270 километрик замонавий автомобиль йўли фойдаланишга топширилганининг ўзи бу ишлар кўламиндан далолатдир.


Ишон манфаатларига қаратилган саломатликни сақлаш борасида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида эришилган муваффақ-иятлар омманинг кўз ўнгидега намоеън бўлиб турибди. Мамлакатимизда си-фат жиҳатидан янги, энг юксак та-лабларга жавоб берадиган ва рес-публика ҳамда вилоятлар шохлинич тиббий ёрдам кўрсатиш марказла-рини ўз ичига олган тиббиёт муас-сасалари тармоғи шаклланди. Фа-қатгина ўтган 2010 йилнинг ўзидега соғлиқни сақлаш соҳасини ривож-лантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бу рақам замирида шаҳар-қишлоқ-ларимизда қад ростлаган ва янги қиёфа касб этган қатор шифо мас-канлари, улар ва бошқа тиббиёт му-ассасаларининг замонавий жиҳоз-ускуналар билан таъминлангани ва бошқа сай-ҳаракатлар борки, бу-ларнинг бари юртимиз аҳли сало-матлиги йўлида амалга оширилаёт-ган жирилли тадбирлардир.

Ҳаётимизнинг барча жабҳалари-дан келтириш мумкин бўлган бу каби янгиланишлар ҳақида кўп ва ҳўп тўхталиш мумкин. Буни миллий медиа-муҳит, жамиятнинг илгор кучи бўлган оммавий ахборот воситала-ри тараққийда ҳам кўриш мум-кин. Бу ҳақда сўз бораркан, бундан йигирма йил аввал Ўзбекистон Рес-публикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳақидаги хабар ҳам айнан миллий оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз ва дунё аҳлига тарқатилганини ифти-хор билан айтиш мумкин. Истиқлол гоёлари ва мамлакатда амалга оши-рилаётган сиёсий, ижтимоий-иқти-содий ислохотлар, янгиланишлар жараёнини ёритиш, ўтган йиллар давомида бўлганидек, бугун ҳам "давр кўзгуси" деб ном олган омма-вий ахборот воситалари фаолият-ининг устувор йўналиши ва бош ма-қсадидир.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳба-ри бу йил Матбуот ва оммавий ах-борот воситалари ҳодимларига йўллаган байрам табриғидаги қуйи-даги фикрларни келтириб ўтгани жо-из деб биланам. "Матбуот ми-нбаридан айтилган сўз қандай қуд-ратли акс-садо бериши мумкинли-гини, унинг таъсири ва самарасини ошириш, аввало, сизларнинг маҳ-роатингиз, инсоний ва ижодий фа-зилатларингизга, ҳамиша масъули-ят туйғуси билан иш олиб бори-шингизга боғлиқ эканини миллион-лаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуну кутади. Ўз касби-нинг ҳақиқий устаси ва фидойиси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу-мақсадларга сафар-бар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги кун-и учун ёниб яшайдиган сиз, жонқуяр журналистларни мен ўзининг суян-чим ва таянчим деб билишимни бу-гун яна бир бор айтмоқчиман".

Журналист замонамиз қаҳрамоними? Мушоҳада

Хар бир замоннинг ўз қаҳрамони бўлган. Қачонлардир файласуфлар омма эътиборини ўзига тортиб, фикр ва мулоҳазалари билан эл ичида шухрат қозонган бўлса, давр келиб жасур жангчи ва подшоҳлар ўз даврининг қаҳрамони сифатида майдонга чиқдилар. Жангчи-ю, моҳир ланқарбошларнинг қуроли қилич, шиори ғалаба бўлди. Даврлар ўтиб, шоир уёзувчилар, олиму фузалолар, рассомлар ва ихтирочилар инсонлар эътибори марказига кўтарилди. Ижод аҳли кўлда қалам билан халқ дарду ҳасратини тилга олди. Асрлар бир гуруҳ қаҳрамонлар номи билан аталди, улар қолдирган моддий ва маънавий мерос бугунга қадар инсоният томонидан қадрланиб, эъзозланиб келинмоқда.



Биз илм-фан тараққи-ёти ўзининг энг юк-сақ чўққисига кўта-рилган бир даврда яшаёпмиз. Бу аср технологиялар ва оммавий ахборот воситалари даври номини олди. Бугунги куннинг асосий қаҳрамонлари эса, шуб-ҳасиз, журналистлар. Сабаби улар тарқатаётган ахборотга нафақат оддий кишилар, балки давлатлар, халқаро ташки-лотлар, молия институтлари-ю йирик ишлаб чиқарувчилар ҳам бирдек қизиқиш билан эътибор қаратмоқда. Дунёнинг қайси-дир бурчагида содир бўлган воқеа бир зумда глобал аҳамият касб этиб, унинг акс-содиси тезгина бошқа минтақаларда жарангла-япти, ўзининг ижобий ёки сал-бий таъсирини юзасга чиқармоқ-да. Буни айни дамда дунё геос-иёсат майдонидега содир бўла-ётган воқеа-ҳодисалар, давлат-лараро ва миллатлараро муно-сабатлар, уруш ва тинчлик

ҳамда бошқа масалаларда яққол кўриш мумкин. Дарҳақи-қат, жаҳонда рўй бераётган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий жараёнлар ҳозирги кунда на че-гара ва на миллир талаяпти. Азалдан шундай, инсон та-биятида янгиликни биринчи бўлиб етказиш иштиёқи юқори. Буни биринчи бўлиб мен айт-дим, буни энг аввал мен бил-дим ва бошқаларга етказдим, деган сўзлар кишига фаҳр, гурур бағишлайди. Мазкур ма-сала оммавий ахборот восита-лари ўртасида бугунги кунда энг асосий вазифага айланган. Ах-боротни қайси манба биринчи бўлиб қўлга киритса, янгилик унинг шахсий мулкига айлана-япти: хоҳлаган баҳосига пулла-йди. Шунинг учун ҳам дунё жур-налистлари орасида янгиликни энг аввал қўлга киритиш усти-да кизгин кураш кечиб, ахбо-рот майдонидега қучли рақобат муҳити ҳукмрондир. Фолиб жур-налист ахборотнинг ягона эга-си бўлиб, аудитория эътибори-

қамлакатларда етиштирил-ган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-лари, хусусан, сабзавотларни сотиб олишдан ўзларини тий-моқда. Ушбу ҳолатда рўй бер-ган оддийгина ҳодисанинг ке-либ чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги тўғри, ишончли ва ҳаққоний хабар бу каби ҳолатга тушишининг қан-дай ижобий ёки салбий таъси-ри борлигини, ушбу вазиятдан қандай қилиб чиқиб кетиш мум-кинлигини ўргатади. Ана шун-да журналистнинг ҳақиқий қаҳрамонлиги юзасга чиқади. У ҳам янгиликни ўз вақтида бе-ради, ҳам жамиятни, айниқса, ёшларни турли салбий таъси-ри таъсирлардан ҳимоя қилган бўлади. Бу каби мисолларни узоқ санаш мумкин. Улар кел-тириб чиқараётган салбий оқибатларни бартаф эйтиш, ахборотларни реклама ва бош-қа тарғиботлардан тозалаш мақ-садида Европа парламенти де-путатлари оммавий ахборот воситаларининг ҳеч бўлмас яр-мини давлат тасарруфига ўтка-зиш фикрини олса сурмоқдалар.

Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир муҳим масала шундаки, баъзи журналистлар томонидан дунё халқлари ўрта-сида катта шов-шувларга сабаб бўлувчи янгиликлар суъий ра-вишда яратилмоқда! Бунда маз-кур сохта ахборотларга бюрут-ма берувчи кунларнинг мавжуд-лиги, улар томонидан аудито-рия онги ва тушуңчасини бутун-лай ўзгартириб юборишга ҳиз-мат қилувчи янгиликларнинг тарқатилганлиги кишини жид-дий мушоҳада юритишга ундай-ди, албатта. Жорий йил "араб баҳори" номини олган Африка ва Осиё минтақасининг қатор давлатларида рўй берган воқеа-

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ИНВЕТОРЛАР ХАВОТИРЛАНМОҚДА

Европа Марказий банки молиявий ахволини барқарорлаштириш мақсадида евро худудга аъзо давлатларнинг қимматли қоғозларини сотиб олишга қарор қилди. Бу ҳақда банкнинг расмий сайтыда эълон қилинди.

Аммо, хабарда айтилишича, қарзларини тўлаш ва нуқулай иқтисодий вазиятдан чиқиш учун молиявий ислохотлар ўтказиётган ЕМБ Италия ва Испания ҳукуматларини "унутган" кўрилади.

Банк мазкур мамлакатларнинг давлатга тегишли қимматли қоғозларини сотиб олиш ёки олмаслик ҳақида бирор фикрни очик маълум қилмаган бўлса-да, улар иқтисодийда қутилаётган инқирознинг таъсирига камайиришни назарда тутган. Ҳар ҳолда, таҳлилчилар мана шундай хулосага келмоқдалар, дея таъкидланади "France-Press" агентлиги хабарида.

Инвесторлар эса 2010 йилда Европа Иттифоқи томонидан ташқи қарзларини тўлаш учун Греция ва Ирландияга берилган молиявий ёрдам каби Италия ҳамда Испанияга ҳам шундай мадад кўрсатилса, банкнинг молиявий ахволи танг ахволда қолмасмикин, деган хавотирдалар.

АНГЛИЯ МАДАНИЯТИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР



Буюк Британия ҳукумати жисмоний шахслар томонидан мусиқа ва фильмларнинг асл нусхасидан рақамли форматда нусха кўчиришга қўйилган чекловни бекор қилмоқчи.

Англия бизнес ишлари вазири Винсент Кейбл айтишича мамлакатда амал қилаётган муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунни эскирган деб таъкидлади ва мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашни айтди.

"The Daily Telegraph"нинг ёзишича, мусиқа ва фильмларни бу тахлит кўчириб олишга рухсат бериш мамлакат бюджетини медиасервис бозоридан қонуний равишда келаётган миллионлаб фунт-стерлингдан маҳрум этиши мумкин. Шу сабаб бу вазиятни танқид қилувчилар икки гуруҳга бўлиниб қолган. Уларнинг бири янги қонун лойиҳаси санъат аҳлининг шусиз ҳам заиф ҳимояланган ҳуқуқларини янада чеклайди, деган фикрни билдираётган бўлса, иккинчи тараф бу ташаббуснинг бир неча йил кечикканини, эндиликда қонунчиликдаги бу бўлишни тўлдириб бўлмаслигини таъкидламоқдалар.

НОШИРЛИК УЙИ ЁПИЛИШИ МУМКИН

"КИТ Финанс" инвестбанки томонидан назорат қилинадиган "Creative Media" ноширлик уйи жорий йилнинг кузида ёпилиши мумкин. «Коммерсант» газетаси тарқатган маълумотларга қараганда, бу иш фақат наشريёт тасарруфидagi мулклар сотиб бўлинган амалга оширилади. Бошқа бир манбада эса ноширлик уйининг ёпилиши хусусида яқуний қарор қабул қилингани айтилмоқда.



"КИТ Финанс" ўзига нотаниш бўлган медиа бизнес туфайли инқироз ёқасига келиб қолган пайт — 2008 йилдаёқ ноширлик уйдан халос бўлишни режалаштирган эди. Ушунда унга харидор топилмагани боис, сотилмай қолганди. Натижада банк 2011 йилда "Creative Media"ни бўлиб-бўлиб сотишга аҳд қилди. Тарқатилган сўнги маълумотларга кўра, швед медиагруҳи — «Бонниер Паблликейшнз» наشريёт ихтиёридаги "Аёллар сирини" журналин сотиб олган. "Creative Media" бошқа бир неча журналларини ҳам шу тарзда пуллаган. Айни кунларда эса ноширлик уйи яна бир журнални сотиш борасида музокаралар олиб бормоқда.

ИЧКИЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

2011 йилнинг биринчи ярмида Россияда ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиб автомашина бошқаришлари оқибатида 4519 та автохалокат содир бўлди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида баён қилинишича, ана шу бахтсиз ҳодисалар туфайли 743 киши ҳаётдан кўз юмган, 6600 киши турли даражадаги тан жароҳати олган.


Бу рақамлар ўтган йилгиси билан таққосланганда 9,3 фоизга кам. Бунинг сабаби спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда автомобиль бошқарадиган ҳайдовчилар сонини қисқартириш бўйича амалга оширилган талабларнинг максимал даражада бажарилганидир. Бироқ давлат миқёсида бундай ахволни ўнглаш учун қанчалик сазойи-ҳаракат қилинмасин, автохалокатларда айб-сиз одамларнинг зарар кўриши давом этмоқда. Маълумотларга кўра, 2010 йил давомида Россияда "ароқхўр" ҳайдовчиларнинг айби билан 12 мингта ана шундай ҳолат содир этилган. Натижада 1954 киши вафот этди, 17 минг 280 нафари жароҳат олган.

"AIRBUS"НИНГ ОШИФИ ОЛЧИ

Европа авиасозлик концерни — "Airbus" буюртмачиларга жорий йилнинг биринчи ярмида 785 та самолёт етказиб берди. Компания томонидан тарқатилган хабарда айтилишича, 2011 йил охиригача буюртмачиларга яна 298 та ҳаво лайнери етказиб берилади. Шундан 12 таси А380 русумидаги самолётлардир. Бундан ташқари, "Airbus" мижозлари билан яна 4039 та ҳаво кемаларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Буюртмачиларнинг асосий қисмини Американин "American Airlines" ва Малайзиянинг "AirAsia" компаниялари сотиб олмоқда.

Яна бир гап — "Airbus" жорий йилда иккита йирки келишувга эришди. Июль ойининг сўнгида Малайзиянинг Ле Бурже авиасалонида ушбу компанияда чикарилган А320neo русумидаги 200 та самолёт 18,2 миллиард долларга сотилди. Бундан бир ой аввал "American Airlines" компанияси ҳам 260 та А320 самолётини шу тарзда харид қилган эди. Шартнома қиймати эса ханузгача ошқор этилмапти. А320 битта самолётнинг нархи 85 миллион доллар экани ҳисобга олинса, юқоридаги келишувдан "Airbus" нақд 22,1 миллиард доллар фойда кўрган бўлиши мумкин.


Этиборли томони, "Airbus"нинг айти пайтдаги кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан анча ҳужуригидир. 2010 йил давомида компания атиги 574 та ана шундай ҳаво кемаларини ишлаб чиқишга эришган эди. Улардан 510 таси мижозларга сотилган.



МИСТЕР БИН АВТОХАЛОКАТГА УЧРАДИ

Британиялик таниқли актёр Робин Аткинсон — Мистер Бин автохалокатга учради. "The Independent" газетаси тарқатган маълумотга кўра, инглиз кино юлдузи воқеа содир бўлган жойдан зудлик билан шифохонага олиб борилган.


Робин Аткинсон McLaren F1 русумидаги енгил машинасида бошқарувни йўқотгани боис йўл четидagi дароҳ ва симёғочга бориб урилган. Содир бўлган воқеани ўз кўзи билан кўрганларнинг гувоҳлик беришича, Мистер Бин елка-сидан шикастланган. Шунга қарамай ёнаётган машинадан чиқишга муваффақ бўлган.



ЧАЁН ЗАҲРИГА ҚАРШИ ВОСИТА

АҚШнинг озик-овқат ва дори-дармон бошқармаси — FDA сайтида тарқатилган хабарда биринчи марта чаён захрига қарши махсус зардоб амалиётда қўллана бошлангани таъкидланмоқда.

Малҳамдори отнинг қон зардобидан тайёрланган. Anasogp воситаси чаён қаққан 15 нафар болада синаб кўрилганда орадан тўрт соат ўтмай ижобий самара берган. Бундан ташқари, бу воситанинг ҳафсизлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун 1534 нафар кўнгилли "бемор"ларда "тажриба" ўтказилди.




30 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЗҲР КЛИПЛАРИ

"Billboard" журналида сўнги ўттиз йилда яратилган дунёнинг энг яхши клиплари рўйхати эълон қилинди. Рейтинг жадвали нашр мухлисларининг журнал расмий сайтыга йўллаган овозлари асосида тузилди.

Энг яхши клипни аниқлашда 1980, 1990 ва 2000-йилларнинг клиплари даврий кўринишларда уч гуруҳга тақсимлаб ўрғанилган.

1980 йилларда яратилган қўшиқларда ишланган клиплар орасида Майкл Жексоннинг "Thriller" ашуласига яратилган видеотасма биринчи ўринга лойиқ қўрилди. Иккинчи ўлчам бўйича эса Бритни Спирснинг "Baby One More Time" қўшиғининг клип тегисиз дея эътироф этилди. Леди Гаганин "Bad Romance" асарига ишланган клип 2000 йилларнинг энг яхши клипи деб топилди.

Шундай қилиб, "Billboard" журнали сўнги ўттиз йил оралиғида яратилган энг зўр клиплар тўплами, деб қўйидагиларни маълум қилди: Майкл Жексон — "Thriller" (1983), Мадонна — "Like A Prayer" (1989), Синди Лаунер — "Girls Just Wanna Have Fun" (1983), Бритни Спирс — "Baby One More Time" (1998), Майкл Жексон ва Женет Жексон — "Scream" (1995), Мадонна — "Vogue" (1990), Леди Гага — "Bad Romance" (2009) ва Бритни Спирс — "Toxic" (2004).



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Молия муассасаларида

ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ ЭЪТИРОФ

"Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки Марказий Осиё ва Европанин энг яхши ўнта микромолиялаш банклари қаторига қўшилди



Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимининг фаолияти энг барқарор тармоқлардан бири бўлиб, халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган даражада фаолият кўрсатмоқда. Амалиёт ўзбекистонда қарор топган қонунчилик базаси халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳоси кўринишида ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори молия-банк тизими барқарорлигини янада ошириш ва унинг юқори ривожланиш даражасига олиб чиқишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Бостонда (АҚШ) чоп этиладиган ва бутун жаҳон микромолиялаш янгиликларини ёритадиган "Микрокапитал бозори шарҳи" журналининг июль ойидаги сониди эълон қилинган рейтингга кўра, Марказий Осиё ва Европанин 151 та микрокредит банки орасида Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит-

банк" очик акциядорлик тижорат банки энг яхши ўнта микромолиялаш банки қаторида муносиб бешинчи ўринни эгаллагани қайд этилган. — Шуниси эътиборлики, банкимиз ҳаётидаги ушбу қувончли воқеа шонли сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида юз берди, — дейди "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаолиятини ва ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш департаменти директори Фарход Азизов. — Бу 5 йил аввал тadbirkorлик субъектларига кенг қўламли



банк хизматларини кўрсатишни таъминлаш мақсадида ташқи қилинган банкимиз томонидан аҳолига тақдим этилаётган микромолиялаш хизматлари сифатини яхшилаш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Бугун "Микрокредитбанк" фаолияти, айниқса, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига янги корхоналар ташкил этишида бошлангич капитални шакллантириш учун аниқ мақсадларга мўлжалланган имтиёзли кредитларни олиш; тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тасарруф этиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, бунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш, тadbirkorлик субъектларининг имтиёзли кредит ресурсларига бўлган талабларини қонди-



риш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, моллар, уй паррандалари, уруғли ва қўчалар сотиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сўғориш, ерга иш-

лов бериш ишларини ташкил этиш учун фермер ва деҳқон хўжалиқларига мини техноло-гиялар сотиб олишларига микрокредитлар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш борасида кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган. Аслини олганда, тилга олиб ўтилган бу яратувчилик ишлари "Микрокредитбанк" зиммасига юклатилган вазифаларнинг бир қисмигина, холос.

Банк ўзининг беш йиллик фаолияти даврида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига қарийб 431 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатди. Бу маблағнинг 312 миллиард сўми микрокредитлардир. Қолган 119 миллиард сўм микролизинг хизматлари сифатида кичик корхоналарга энг янги технолологиялар ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилди. Мазкур сармоялар эвазига республикаимизда 400 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

Жорий йилда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда худудлар кесимида кредитлар йўналтириладиган фаолиятлар (хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва бошқалар)нинг турлари, шунингдек, кредитларни ўзлаштириш натижасида ташкил этиладиган иш ўринлари нуктаи назардан имтиёзли кредитларни ажра-

тишнинг прогноз параметрлари эътиборга олинган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига микрокредитлар ажратишни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқди. Шунга кўра, Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йиллида қиймати 156 миллиард сўмлик турли микромолиялаш хизматларини кўрсатиш режалаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 88,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

— Бугунги кунда инвестиция компаниялари ва халқаро молия ташкилотлари мўхтаassisлар иқтисодий жиҳатлар билан бир қаторда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолига кўрсатилаётган микромолиялаш хизматларининг ижтимоий аҳамиятини, ушбу маблағларнинг жойларга, олис қишлоқ ва маҳаллалардаги хар бир оилага қай даражада кириб бораётганига алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Шу муносабат билан жаҳонга машхур қатор рейтинг ташкилотлари банкимиз ижтимоий йўналишларини бир неча бор ўрганиб чиқди. Айтиш жоизки, Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимиз молия-банк тизимининг мунтазам қўллаб-қувватланаётгани туфайли банк фаолияти сифат жиҳатида янги ривожланиш даражасига кўтарилди.

Масалан, Жаҳон банкининг микрокредит банкларини баҳолаш бўйича SGAP гуруҳи томонидан сертификатланган Италиянинг "MicroFinanza



Rating" рейтинг компанияси "Микрокредитбанк" фаолиятини халқаро рейтинг бўйича ижтимоий баҳолаш амалга оширди. Унинг яқунларига биноан "Амалда ўз максад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтинг тақдим этди. "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги эса 2010 йил якунлари бўйича "Микрокредитбанк"нинг хорижий валютадаги узоқ муддатли дефолт эмитенти рейтингини "В-" даражасидан "В" даражасига кўтарди ва «Барқарор» кўрсаткичини берди.

Шу билан бирга, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг «Miksmarket» глобал микромолия ахборот платформаси (АҚШ) билан яқин ҳамкорлигини ҳам таъкидлаш керак. Ўтган йил якунлари бўйича "Микрокредитбанк" беш олмосли микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи банк деб топилди. Бундай юқори натижалар-

га эришишда банкнинг етакчи ўринларни эгаллаб тургани ва баланс кўрсаткичлари, қарз олувчилар ва халқаро молия институтлари учун унинг очиклиги даражаси, шунингдек, менежмент тизими, инновацияларни жорий этиши, ходимларнинг профессионал даражаси, кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳамда сони асосий мезонлар сифатида эътиборга олинди.

Нуфузли халқаро компаниялар томонидан берилган рейтинг баҳолари "Микрокредитбанк"ка Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германиянинг Молиявий гуруҳи, Халқаро Тараққиёт ассоциацияси, Немис Fin ACC микрокредитлаш жамғармаси ва бошқа шу каби етакчи халқаро молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз иқтисодийётига жалб этиш имконини берди. "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолиятининг дунё миқёсида тан олинishi унинг ликвидлиги ва барқарорлиги, Ўзбекистон банк тизимига ишонч ортиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Р.РАУПОВ

Тиббиёт

Юртимизда истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш замонавий тиббий хизматни ривожлантириш имконияти яратилди. Бундай ислоҳотлар натижасида хусусий шифохоналар кўпайиб, халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатиш савияси яхшиланиб бормоқда. Хусусан, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган, биргина Жиззах вилоятида 34 та нодавлат тиббий муассасалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан лицензия олиб, фаолият кўрсатмоқда. Уларда бугун 103 нафар юқори малакали тиббиёт ходими ўз мижозлари хизматида.

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Жиззах шаҳрида жойлашган «Ойбек» хусусий шифохонаси мана шундай тиббиёт масканларидан бири саналади. ДАТ «Халқ банки»нинг имтиёзли кредити ҳисобига қурилган ушбу шифохонада диагностика, терапия, кардиология, физиотерапия, гинекология каби бўлимлар мавжуд. Уларда фан номзодлари ва олий тоифали шифокорлар беморларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Германиядан «Shiller» 2-С, Хитой, Япония ҳамда Россия Федерациясидан замонавий тиббий технологиялар келтирилган, — дейди бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Исроил Сувхонкулов. — Шунингдек, Жанубий Кореядан келтирилган «NUGA BEST» массажёр — крават беморлар саломатлигини яхшилашда жуда кўл келмоқда.

Бўйрагим, оёқларим оғриб эди. Бу ерга келганимга бор-йўғи бир ҳафта бўлди. Хозир анча яхши бўлиб қолдим, — дейди бемор Феруза Йўлдошева.

Шунингдек, Жиззахда «Раёхон-Шаҳзод» хусусий тиббиёт фирмаси ҳам фаолият кўрсатаяпти. Бу шаҳарда яшовчи кишилар саломатлигини сақлашда ушбу хусусий шифохонанинг хизмати ҳам алоҳида эътиборга молик.

Бизнинг шифохонада неврология, терапия, гинекология, диагностика каби бўлимлар ҳам мавжуд. Шунингдек, эндокринологик касалликларни даволаш ҳам йўлга қўйилган, — дейди фирма раҳбари Раёхон Эмророва. — Одамлар саломатлигини сақлаш, уларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш эзгу мақсадларимиздан биридир.

Дарҳақиқат, тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида дунёга келган хусусий тиббиёт масканлари давлат тасарруфидagi шифохоналардаги узокдан-узок бабатда туришларга барҳам бериш билан бирга ўз билими ва иқтидорига ишонган шифокорларга муваққиллаш, кўшима иш ўринларини барпо этиш имконини ҳам бериб, Қолаверса, жон оғриганда ҳар дақиқаси олтиндек қиммат вақт тежаллади. Мижозларни кўпайтириш учун шифокор-у, ҳамширалар ўта хушмуомала ва эътиборли бўлишлари тақозо этилади.

Ушбу санаб ўтилган, фазиалатлар биз қаламга олган хусусий шифохоналар, ходимларининг дониш-иш тартибига айланган.

Норкул МАМИРОВ

Киёфа

Бир қатим нур...

Миркомил касб-ҳунар коллежини тамомлаб катта ташкилотнинг бир участкасига мутахассислиги бўйича ишга кирди. Аммо эрталаб зўр иштиёк билан келган бола кечки пайт тушун аҳволда — тарсуви кўлтигидан тушиб кириб келди. Бунинг кўрган онаси ташвишланиб, уни сўроққа тутди. Миркомил олдинга ҳеч нарса айтгани келмади. Онаси ҳоли-жонига қўймай сўроқлайверганидан сўнг, ёрилди: «Аяжон, у ерда оддий инсоний муносабатлар йўқ, одамлар сўқиниб гаплашар эканлар. Сиз менга бошқача тарбия бергансиз», деди ўқиниб. Болажонни кўзидagi мунгли кўриб, онанинг юраги эзилди. Уни юпатишга, кўнглини кўтаришга қанчалик уринмасин, бирор жўли гап тополмади. Энди унга онанинг чўчкалари керак эмас. У аччиқ ҳақиқатни ўз кўзи билан кўриб келганди. Ҳаммаси бефойда. Ўзи ўйлаб бир қарорга келмагунча индамай тургани маъқул. Бироқ онанинг бутун олами зимистонга айланиб, кечаси билан ўз саволларига жавоб тополмай тўлғониб чиқди: «Одамлар ҳам қизиқ, оғзига келганини гапирарканда?!» Нималар бўляпти ўзи? Бу одамлар уйда ўзини қандай тутаркин, болаларига қандай тарбия бераётган экан?

Она эрталаб қараса, Миркомил шодон кайфиятда кийинаяпти. Онасининг ачиниб қараб турганини сезган ўғил: «Аяжон, мендан ҳижолат бўлманг, мен аста-секин ишхонадаги иқлимни тазалашга ҳаракат қиламан. Чунки, улар эски даврнинг одамлари. Ўзингиз, гўзал ахлоқ ва тоза йимон билан ҳар қандай жаҳолатни енгса бўлади, деб ўргатгансиз-ку, тўғрими?!», дея уйдан чиқиб чиқиб кетди.

Келаси кун Миркомил ишдан яна бир аҳволда, асабий ҳолатда қайтди, онаси билан гаплашгани ҳам келмади. Кечки овқатдан сўнг она секингина ўғлининг юрагига кўл солди. Миркомил ички бир дард билан шундай деди: «Аяжон, одамзот шу қадар тубанлашиб кетганими? Ўши бир жойга бориб қолган, бир неча болага оталик қилаётган одамлар, нахотки, «Увол» деган нарсани билишмасан? Участкамизда ичимлик сувни кун бўйи босим билан оқизиб қўйишди. Бир неча марта ўзим ёпиб қўйдим ва бошқаларни ҳам сувни исроф қилмасликка ундаган эдим. «Нима, сени пулинг кетаяптими», деб сийлаб ташлашди. «Нима, Сиз уволдан кўрмайсизми?», деганини билман, биттаси «Бизга ўргатма», деб ўйиб берди. Қандай йўл тутишни ҳам билмай қолдим. Кун бўйи бекордан бекорга оқиб турган сувга қарасам ичим ёпиб кетаяпти».

Миркомилнинг бу оғрикли даради энди онага ҳам кўчди, оромини йўқотди. Борлигини зулмат қоплади. Миркомил эртаси кун кечки пайт ишдан кўтаринки кайфиятда кириб келди: «Аяжон, суянчи бering, кечаги ҳаракатим бефойда кетмапти. Сўзингиз кеча бирдан кескин эътироз билдирганлари билан бугун жўрмакни ёпиб қўйишди. «Увол» сўзи уларни ўйлантириб қўйган шекилли... Нима бўлганда ҳам сув исрофгарчилигининг олдини олдим».

Онанинг юрагига ёруғлик тушди... Хайрият...
Салима ХОЛДОРОВА,
Навоий кон-металлургия комбинати 5-конбошқармаси
маънавият тарғиботчиси

Одамнинг оласи

Халқимизнинг «Бирники мингга, мингники туманга» деган ибораси бор. Унинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта. Ақлу фаросатли ота-она ўз фарзандларини вояга етказишда фарзандим улғайгач, элу юрт қорига ярасин, қўни-қўшилар олдида юзимизни ерга қаратмасин, оиламиз, қолаверса, қишлоқ аҳли орасида шарманда қилмасин, деб, тутумни қаттиқ олади. Болалари улғайгач, уларнинг юриш-туришидан хабардор бўлади. Нуқсони бўлса, чора кўради. Эплай олмаса, қариндош-уруғ, маҳалла-қўйни ёрдамга чақиради. Алал-оқибат бебош фарзанд уриниб-суриниб ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади.



1981 йил Шаҳрисабз туманида туғилган Зоҳид Бекназаров афтидан бундай тарбия кўрмай ўсган кўринади. Айни йилги ёшда, элу юртга фойдаси тегадиган, истаган соҳада ўзлигини кўрсатишга имконияти бўла туриб, жиноятчиликнинг қабих қўчаларида дайдиб, гулдай умрини завоқ қилди. Тушган ҳар бир йўлининг охири, кирган ҳар бир шаҳарнинг ўз дарвозаси борлигини вақтида англаб етмади.

2010 йил 2 июль кунини муқаддам Шаҳрисабз шаҳри, «Писанди» маҳалла фуқаролар йиғини, Ҳожи кўчаси 131-уйда яшаб келган фуқаро З.Бекназаров қилган қилмишларига суд олдида жавоб бериши учун қамоққа олинди.

Унинг жиноят йўлида кўрган-кечирганларини эшитиб, ёқа ушлашдан бошқа иложингиз қолмайди. Нахотки, одам қилган иши учун ўзига ҳисоб бермасан, нахотки, «Мен кимман? Нима қилмаган ўзи?» деган саволлар бир марта бўлса ҳам уни кўнглидан ўтмаган бўлса?

2002 йилда, у ўзига ўхшаган, бей ўнгалари билан қоржомасини елкага олиб, Россиянинг Новосибирск шаҳрига иш излаб кетди. 2007 йилнинг декабрь ойига қадар у ерда ишлаб, фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати ўтганлиги боис, қўнний йўл билан қайтиш имконияти йўқлигини билиб, қозғонистонлик «Апша» исми аёлга тегишли бўлган автобусда Новосибирск шаҳридан Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасига келиб, айланма йўллар билан қайтишга мажбур қилди. 2009 йил 26 январга қадар Шаҳрисабзда яшайди.

Бегона юртда кўрган-кечирган қийинчиликлари сабоқ бўлиб, қадрдон шаҳрида бирор ишининг бошини тутса бўларди. Йўқ, бундай қилмади. Аксинча, ҳамма учун баробар бўлган тартиб-қоида бузиб, бир амаллаб, Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтиб олиш учун Сурхондарё вилоятининг Узун туманига келди ва у ерда хозирча шахси аниқланмаган «Нексия» ҳайдовчисига орқали қўшни давлат чегарасига ёндош Эшон қишлоғида яшовчи, шахси аниқланмаган «Исмоил», «Осуф» деган кимсалар билан учрашиб, чегарадан яшаб йўллар билан ўтиб олиш режаларини тузди. Бунинг учун хизмат ҳақи эвазига «Исмоил»га 60 000 сўм, уни таништириб «Нексия» ҳайдовчисига келишилган 20 000 сўм берди.

Зоҳиднинг мақсади борган жойида мўмайроқ пул, тиркичилик қўйига ярайдиган бирор даромадлироқ иш топиш бўлганида қўлидаги салмоқлигина қийматга эга бўлган маблагни беҳудага соғурмаган бўларди. Унинг ниёти бошқача — бузуқ эди. Ҳамтовоклари (энди уларни шундай атаса ҳам бўлади) танишган куннинг эртасигаёқ, яъни 27 январь кунини маҳаллий вақт билан соат 05.00да Эшон қишлоғининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош дарё бўйига бориб, Зоҳидни чегара симлари остидан қўшни ҳудудга ўтказиб юборишди.

З.Бекназаров Новосибирскда юрганида тожикистонлик «Тоҳиддин», «Отулло», «Суннат», «Эшон Ўззам», «Эшон Махфузулло», «Эшон Махмуд» деган кимсалар билан таниш-

ганди. Эшонлар Зоҳидни ўртага олиб, обдан «куф-суф» қилган чоғи, уларнинг измиддан чиқолмай қолди. Хуллас, йўлда учраган йўлдошлари кўмағида ислом амалларини ўрганиб юрган кезларида келгусида Эрон Исломи Республикасининг Зоҳидон шаҳрига ўтиб, ўқиб, ундан Афғонистон Республикасига бориб, у ерда Америка ҳарбийлари қарши «жиход» қилишни «диллага тугиб» қўйганди.

Шундай хомхаёллар билан Регар шаҳрига келгач, маслакдошларини излаб топишга киришди. Дастлаб Суннатга қўнғироқ қилиб, у билан Душанбе шаҳрида учрашиб, бир муддат унинг уйда яшаб юрди. Бу орада Новосибирскда танишган Тоҳиддин, Раҳим, Нуриддин, деган бошқа дўстлари билан ҳам топишиб, Ҳисор шаҳрида яшовчи Оятуллони бориб кўришга, у ерда «Жиход», «Ҳижрат» амалларини ўрганишга ҳам улгурди.

Зоҳиднинг орзулаган Зоҳид дўстлари билан, Оятуллонинг помчаси — Саид Исмоил мулла — Эрондан қайтиб келгач, ундан ҳам сабоқлар олиб, кўриқдан ўтиши ҳақида келишиб олди. Унгача Душанбега қайтиб, Тоҳиддин, Раҳим, Нуриддинлар билан политехникум яқинида қурилаётган «Строительный офис» биносининг қурилишида ишлайдиган бўлди. Таассуфки, 2009 йилнинг апрель ойида Оятуллонинг помчаси — Саид Исмоил мулла билан учрашганда Зоҳиднинг қўлигадаги пишмаган тарвузи тушиб, орзу-умидлари чилпарчин бўлди. Оятуллонинг помчаси — Саид Исмоил мул-

ла унга хозир Эроннинг Зоҳидон шаҳрига боришининг иложи йўқлигини, у ерда шиа маҳаббадчилар билан суннийлар ўртасида кичик низолар борлигини, ҳатто тожикистонлик толиби илмларини ҳам аямай қайтариб юборишаётганини, яширин йўл билан у ерга борганларни эса тутиб, қамашаётганини айтиб берди.

Саид Исмоил мулла унга бир муддат диний илм берган бўлди. Сўнгра Зоҳидга энди Оятуллонинг аммасининг турмуш ўртоғи яъни ўзининг «ўрчиган» божаси «Мулла Махмуд»нинг уйига бориб, хизматига бўлишни маслаҳат берди. Таклифни қабул қилган Зоҳид энди Мулла Махмуднинг уйда 2009 йилнинг 20 майига қадар беминнат хизмат қилди ва диний сабоғини «мустаҳкам»лади.

20 май кунини Душанбега қайтиб келган Зоҳид яна Тоҳиддин билан Раҳимни излаб топди. Уларга Мулла Махмуднинг қудаси «Эшон Саифирон»дан Зоҳидонга бориш учун Тожикистон Республикасининг паспортини олишининг иложи бўлмагани, шу вақдан ўз номи Тожикистондан бўлган уруш даврида вафот этган «Эдибеков Салмон» номига ўзгартириш мақсадида «Жума» исми кишининг «Парвона» деган қизига уйланишга рози бўлганини айтди. Келгусида Жуманинг ёрдами билан Афғонистонга бориб, Чордарада мужоҳидлар мактабидида таълим олиб, «Жиход»га тайёргарлик кўриб, яна жангвор тайёргарликдан ўтишга ва шу мақсадда жиходларда иштирок этишга, бир сўз билан айтганда, таққиланган диний экстремистик ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга рози бўлди.

Афғонистонга бориш, илнжида юрган Зоҳид 2009 йил 20 июлгача Гармда қолиб кетди. Бу орада яна бир «Носир» деган танишидан Тоҳир Йўлдош ҳақида эшитиб, қул босган кўнглида чўғ пайдо бўлди. У Ўзбекистонда бир неча оғир жиноятлар содир этиб, айни пайтда қидирувда бўлган Тоҳир Йўлдошга ўз хониши билан қўшилиб, Ўзбекистон Республикасида таққиланган Туркистон Ислам давлатини куриш учун Афғонистонга бориш қарорини қатъийлаштирди ва бўш вақтларини Носирнинг ўзига ўхшаган бузуқ

ниятли «Абдукарим», афғонистонлик «Домла Неъматилло», эронлик «Шайх Пурдил», афғонистонлик «Аҳмаддон Мақсуд», тожикистонлик эшон «Турдинжон», ўзбекистонлик «Тоҳир Йўлдош», пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги қатор кинофильмлар, юқоридаги «пешво»ларнинг чақириқлари ва даъватларини кўриб, эшитиб юрган катта 2009 йил 19 июль кунини уйига милиция ходимлари келиб суриштирганда Носир «Қорамуслим» деган шериги билан уни Душанбе шаҳрига қочириб юборди.

Қайсардан қайтган Зоҳиднинг қилмишлари шу билан ҳам ниҳоя топмади. У ҳадиқ билмай, Душанбе шаҳридаги темир йўл вокзали яқинида янги қурилаётган «Транспортная генеральная прокуратура» биносида 2009 йилнинг 16 августига қурилишда ишлаб, ўзича хуфя режалар тузиб, пайт поилаб юрди.

Ниҳоят, 2009 йил 17 август кунини барча бебошлиқларига нуқта қўйилди. Шу кунини Душанбе шаҳар ИИБ ходимлари уни қўлга олишга муваффақ бўлди. Тегишли тергов ишлари олиб бориладиган, 2009 йил 25 август кунини Тожикистон Республикаси ҚКМБга топширилди ва шу йили 19 ноябрда Регар туман суди томонидан Тожикистон Республикаси ЖКнинг 335-моддаси билан айбланиб, амнияти акти асосида озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси чегарачилари ихтиёрига топширилди.

2010 йил 9 сентябрда Шаҳрисабз туман суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Зоҳид Тоҳирович Бекназаров ўзининг барча қилмишларига иқроор бўлди. Жиноятчи ятти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ушбу суд лавҳасига шу ўринда нуқта қўйишдан аввал ўйлаб қолсан киши. Ўзи туғилиб ўсган, тарбия топган, она деган муқаддас калом билан аталадиган Ватанга — Онага ёмонлик соғинган, унинг муқаддас тулғурига яроқ кўтариб киришдан тап тортаман бу кимсанинг қалб кўзини қандай ёвуз куч сўқир қилиб қўйди экан?! Одамнинг оласи ичида бўлади, деган сўзини халқимиз бекорга айтмаган экан. Одамлар, яна бир бор огоҳ бўлинг!
GORIZONT.UZдан олинди

Сўнги нафасдаги сўз


Нозимжон ҳарбий хизматни ўтаб келганида унга ҳамма ҳавас билан боқарди. Чунки бутун қишлоқда Нозим полков деб танилган бу йигит жуда саҳий, дилкаш ва самимий эди. У уйда узоқ ўтирмади, далага чиқиб сувчиларга шоғирд тушди. Кўп ўтмай ўзига ҳамроҳ топиб, 5-10 гектар майдонга сув қўядиган бўлди...

Бир кун Собир ота ўғлининг ишларини кўриш мақсадида пайкалга борди. Шунда отанинг кўзи сув таралган ариқчага ётқизиб қўйилган винога тушди. Индамади. Кечкурун кечки овқатдан кейин: — Ўғлим, агар ичаётган бўлсангиз ичманг, ичкиликдан ҳеч қим фойда кўрганни билмайман, — дея насиҳат қилди.

Отанинг насиҳатлари қулоққа кирмадими, Нозимжон ичинини қанда қўриш мақсадида пайкалга борди. Шунда отанинг кўзи сув таралган ариқчага ётқизиб қўйилган винога тушди. Индамади. Кечкурун кечки овқатдан кейин: — Ўғлим, агар ичаётган бўлсангиз ичманг, ичкиликдан ҳеч қим фойда кўрганни билмайман, — дея насиҳат қилди.

Ўзини ўзи оқлаб. Бора-бора у ҳар кун ичадиган бўлди, ичмаса туролмасди... — Нозимжон шифохонага тушиб қолибди, — дейишиди бир кун қўшилар. — Бориб кўрсак яхши бўларди. Уни кўргани бордик. Энди у аввалги Нозим полков эмас, анча озиб қолган, юзлари сўлгин бир аҳволда эди. — Қоринда сув тўлгани, жигар фаолияти бузилган, бу сурункали

ичкиликнинг оқибати, — деди шифокор. — Айтинлар, ичмасин, мен айтдим, лекин ўзини тутолмапти. Ичиб қўйяпти. Нозимжонни ичкиликдан қайтариб бўлмайди. Шифохонадан чиқиб келгандан кейин ҳам у одатини ташламади, ожизлик қилди. — Дадам... яна ётиб қолди, «тез ёрдам» чақирмасмикан? — Нозимжоннинг катта ўғли Сардорнинг гапидан серкак тортиди. Уларниқига йўл олдим. — Ичкиликнинг уйи курсин, — останада Нозимжоннинг турмуш ўртоғи Барчиной йиғлаб ўтирарди. — Қуриб кетгүр вино деган оғу акангизни охири тамом қилди. — Нозимжоннинг тобора нурсизланиб бораётган кўзларида ҳаёт билан



ўлим олишаётганини кўриш мумкин эди. Ким ҳам ёруғ дунёни ташлаб кетгиси келади? Унинг сира ўлгиси йўқ, ёруғ дунёга тўймаган кўзларини бир жойга тикканича тақдирга тан бериб сўнги онларини кутиб ётарди. У бирдан ўзида қандайдир куч тоғандек бўлди ва пичирлади:

— Фарзандларимга айт, одамларга айт, ичкилик ичшимасин... Бу унинг сўнги нафасдаги сўнги сўзи бўлди. Кечга борма қабристонда яна бир қабр дўппайди...
Йўлдош ИСОҚЖОНОВ
Анджон вилояти

МАЪНАВИЯТ

«Ватан учун яшайлик» танловига

БУХОРО — ОЛТИН ТОГ!

Набиралга мактублар

Бу дунёда шоир кўп. Жуда кўп! Аммо Навоий бобомизнинг бир ажойиб сўзлари бор: «Хар бир қофиявоз шоир эмас, шеърга тоза ҳислар ва теран фикрларни сингдира олган кишигина ҳақиқий шоир бўла олади...» Тилинг истаганини эмас, дилинг истаганини гапир, дейишади. Яна корейларнинг бир яхши матали мени мафтун этган. Мана, нима дейди улар: «Гуруч тўқилса, териб оласан, сўз айтилса, уни қайтиб ололмайсан...» Ўйлашга арзийдиган иштибоҳ!



Аллоҳ сўзни парваришлаб, юрагимизга, шууримизга, онгу идрокимизга жойлаган. Шунинг учун: «Бўтам, — дейман набирамга қараб, — тилингни ёмон сўзлардан сақла. Агар шоир бўлсанг, ҳар бир лутфинг, каломинг гавҳар доналаридай ёниб турсин. Сенга кичик бир шеър ўқиб бермоқчиман: Ҳиндлар шундоқ дерлар: Ушбу заминда Энг аввал илонлар юрган судралиб. Тогликлар дейдилар: Қадим-қадимдан Бургут яшаб келган Ер шоҳи бўлиб. Менинг ишончим шул: Дўстлар, энг аввал Ерда пайдо бўлган ҳазрати Инсон. Бургутга айланган улардан кўпи, Бағзилари эса бўлгандир илон...»
«Сенга ёқдимми? Буни Расул Ҳамзатов ёзган. У аварларнинг буюк шоири. Унинг кўплаб китобларини қайта-қайта ўқиганман. Расул ога шунчаки шоир эмас, донишманд, ўз халқининг фидойиси, юртининг донғини дунёга таратган Инсон! Унинг «Менинг Догистоним!» асари ўйлаб-ўйлаб, қўйлаб-қўйлаб, сўйлаб-сўйлаб ёзилган тафаккур бўлгандир...»
Ушбу сатрларни ёзишимга сабаб бор. 1988 йилнинг ёз кунларидан берида бир гуруҳ ижодкорлар сафида у киши ҳам Бухорога келганди. Кўп жойларда уларни нон-туз билан кутиб олганмиз. Ху-

сусан, Расул оғани! Шоирнинг сўзларини, шеърларини тинглаш ўзгача шукҳ бағишларди кишига. Ушанда шоир Лаби Ҳовуз атрофини сайр қила туриб, шундай деганди: «Биламан, дунёда Бухоронинг шухрати баланд. Чунки у илм чашмаси, маънавият булоғи. Фақат, дўстим, Кавказ — Кавказда! У тоғлар диёри, қоялари осмонга етган юрт. Хафа бўлмайсан, Бухорода бундай тоғлар йўқ-да. Атрофи чўл, сахаро... Шундай эмасми?!»
Ўйлаб қолдим. Шоирнинг лутфидан таъсирландим. Унинг кўзига қараб, кулиб: — Тўғрисини айтсам, Бухоронинг тоғлари кўп. Улар осмон қадар, чўққилар қадар, муҳташам қоялар қадар!..
У нахотки, дегандай елкасини қисиб: «Бўлса керак, бўлса керак!» деди менга ёшдан назар солиб: — Анави пурвиқор тоққа қаранг, — дедим салобат тўкиб турган Минораи Калонга ишора қилиб, — у Авицена — Ибн Синодир! Ҳақиқий, қуламас Тоғдир! Шундай эмасми?!
Расул ога ҳайратланди. Кейин бошини чайқаб, «Браво» деб қўйди. «Яна ким, у тоғлар?» — дея менга юзланди.
— Муҳаммад ибн Исмоил, яъни Имом Бухорий! Буюк Тилло Тоғ у! — дедим гайратланиб.
Мехмон яна «Браво!» дея ҳайратини изҳор этди.
— Яна шундай тоғлар кўпми юртингда!?

— Кўп! — дедим хурсандлик билан. — Олимлар, шоирлар, авлиёлар. Улар мингдан зиёд. Тўрт-бештасини айтаман. Мана, адиблар — Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат... Мутал Бурхонвалар! Булар — Бухоронинг катта-кичик Тоғлари! Уларни бутун дунё билади. Бу сўзларим Сизга маъқулми, Расул ога. Нима дейсиз?!
— Сен мени лол этдинг, укам. Бухорони кафтингга кўтариб, ҳар бир тошини, ҳар заррасини бағрингга босаяпсан. Ўз юртингни юрагингга жойлаяпсан. Улуғ юртдошларингни тоғлар деб алқаяпсан. Қойил!
Ха, Бухоронинг усти ҳам, ости ҳам Тилло тоғ! Тилло тоғ — Бухоро! Умрим бўйи донишмандлар қалбининг тириклиги ҳақида ўқийман, ёшаман. «Наҳот ул-балогас» асарига шундай ажойиб сўзлар бор: «Аллоҳ неъматлари хусусида фикр эшитиш ибодатдан афзалдир. Ким билган нарсаси ҳақида кўп фикр юртаса, унинг илми ривож топади, мураккаб ҳақиқатларни ҳам тушунади. Инсон тафаккури бамисоли ойна, унда эзгу амаллар ҳам, хунук амаллар ҳам акс этади...» «Мана, кўрапсан, — дейман яна набирамга, — донишмандлар — бамисоли кўрган. Ватан кўргони.»
Тошпўлат АХМАД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ривоят қилишларича, қадимда очлик ва сувсизликдан силласи қуриган бир мусофир поёнсиз дашт бағрида бораётиб, лалми ерда қовунтарвуз экиб парвариш қилаётган деҳқонга дуч келибди. Мусофир ундан бир қултум сув сўради. Деҳқон эса уни дарҳол чайлага чўраб, олдиға ўзи етиштирган қовунлардан бирини сўйиб қўйибди. Табиатнинг бу неъматини ширинлигидан қувват олган мусофирнинг кўнгли ёришиб, деҳқонга дебди: — Бу ер даштмас, дашти-новвот экан...

ДАШНОБОДЛИК «РАИС БОБО»



Хуллас, Дашнободга мевачилик тарихи китобида Сурхон воҳасининг Сароисиё туманидаги Дашнобод қишлоғидир, деб таъриф берилган. У ерда 500-600 ёшли анор дархатлари борлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз дашнободлик миришкорлардан бири, ақлини танигандан буён эл хизматига қармбаста инсон — Абдуғаффор Аҳмедовдир.
Абдуғаффор аканинг ҳаёт йўли дашту дала-лар билан боғлиқ кетган. У кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. 2006 йили Дашнобод давлат хўжалиги агрофирмага айлантирилган, соҳада суяги қотган қаҳрамонимиз унга раислик қила бошлади. Қаерда, қайси лавозимда ишлагани, омиликорлик, ишбилармонлик билан фаолият олиб борди. Шу тўғрисида доим ишлари ўнгидан келди, кўзлаган мақсадларига эришди. Айтганча, Абдуғаффор аканинг ишлари юришиб кетиши

кўпчилигининг дуолари ижобати, деб ҳисоблашади, ҳамқишлоқлари. Негаки, «раис бобо» эл хизматини беминнат бажариб келади.
— Халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган мақол бор, — дейди раис. — Шунга амал қилиб 1992 йилдан буён ҳар йили юзлаб меҳнат фахрийларининг кўнглини олиш учун юртимиз бўйлаб саёҳатга юбораман.
Дарҳақиқат, юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар билан танишиб, қулғу қадамжоларни зиёрат қилган кексаларимизнинг бот-бот қилган дуолари қаҳрамонимизнинг ишларига ривож бераётгани рост. Айни кунда 301 гектар сувли ер майдонида деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган Абдуғаффор ака билан 184 нафар ишчи ишлайди. Фермер хўжалиги фаолияти ҳар томонлама яхши йўлга қўйилгани боис қўшимча яна 79 та иш ўрни ташкил этилди. Ишнинг кўзини биладиган Абдуғаффор ака 2000 йилда Музработ туманида жойлашган 2000 гектар даштни


ўзлаштиришни ҳам ўз зиммасига олди. Натيجанда ўн йил давомида мазкур майдон янги фермер хўжалиқларига тақсимлаб берилди.
Раис бобо кам таъминланган оилаларга ҳар йили 12-13 миллион сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатиб келади. Бундан ташқари, шартнома асосида ўқийдиган 20 га яқин талабага шартнома тўловларини тўлашга кўмаклашади. Одамларнинг маданий дам олиши учун қурган «Қирқ чинор» чойхонаси ҳам ҳар доим дам олувчилар билан гажум. Атроф гулу гулзор. Фаввораларнинг кўкка бўй чўзиб шоввлашгани кўриб қалбингиз ёришади.
Айни кунда Дашнобод агрофирмаси директори — бир вақтнинг ўзиде Олмалик тоғ-кон металлургияси корхонасига қарашли «Хонжиза савдо сервис» корхонасини бошқараётган Абдуғаффор ака 10700 тонна мева етиштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Республикаимиз аҳолиси учун ҳам қадри бўлган Дашнобод анорларини

етиштиришда бош-қош бўлиб турган раиснинг жуда кўп яхши хислатларини эшитиб мамнун бўлдик. Хусусан, тўй ва маросимларда бош бўлиб туриши, беморларнинг ҳолидан доимий хабар олиши унинг инсоний фазилатларидан бири экан.
Ватан бир сиқим тупроқни қадрлашдан бошланади. Ўзи туғилиб ўсган тупроққа меҳр бўлмайди. Абдуғаффор ака билан суҳбатлашганимизда, шунинг гувоҳи бўлдикки, жорий йилда яратилган 10 гектар интенсиив олма богидан қутилаётган ҳосил чўғи баланд. Айни кунда 500 тонна ҳўл мева сақланадиган омборхонани қуриш ишлари бошлаб юборилган. Унинг қилган хайли ишларини санаб саногога етмадик. Дашнободнинг дашту қишлоқларида янги ишларни бошлаштиришга қўйиб, тугилиб ўсган тупроқни гуллаётган раисга омад тиладик.
Ахтамкул КАРИМ

Мутолаа

Меҳр мевасининг лаззати

Муҳаббат Туробованинг «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компаниясида chop этилган «Меҳрим меваси» деб номланган китоби шоиранинг ўқувчиларга муносиб туҳфаси бўлибди.
Унинг шеър ва ҳикояларида бунёдкор халқимиз, она табиат, болажонларга ўзига хос меҳр-муҳаббати мужассамланган. Шу боис китобнинг «Меҳрим меваси» деб номланишида ҳам рамзий маъно бор.



ҳаёт вақтида эъзода бўлган Мардон исми йигит ва инсон қадр-қиммати билан ҳисоблашмайдиган ўта худбин шахс акс эттирилган. Чиндан ҳам лаганбардор, тақаббур, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган шундай кишилар ҳаётда учраб туради. Муаллиф: «Матқовуллар, албатта, мағлуб бўлади. Дунёга янги одамлар — Мардонлар келади. Мардонларнинг руҳи ҳалол, мард кишиларни қўллаб-қувватлайди», деган хулоса билан ҳикояни якунлайди. Биз Мардон образига жонлантирилган замондошимиз билан қанчалик фахрланасак, Матқовуллардан шунчалик ўзимизни тортамыз.
Ҳақиқатан ҳам мустақиллик шарофати билан юртимизда меҳнатга муносибат ўзгарди, меҳр-муҳаббат кузгайди. Одамларнинг бир-бирларига бўлган ишончи орди, меҳр-оқибатли кишиларнинг сони кўпайди ва уларнинг Ватан равнақи, юрт ободлиги, фарзандлар камол йўлидаги меҳнатларига ихлос ҳам орди.

Муҳаббат Туробова фаолияти давомида давр билан ҳамнафас яшаётгани асарларида ўз ифодасини топган. Буни китобга киритилган ҳикоя ва шеърларнинг мавзу жиҳатидан ранг-баранглигидан ҳам билса бўлади. «Меҳрим меваси» китобининг иккинчи қисмига шоиранинг шеърлари жамланган. Кундан-кунга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган мустақил юртимиз, бунёдкор халқимизнинг фаровон ҳаёти, шижоатли меҳнати, мустақилликнинг йигирма йили давомида эришилган зафарлар шоиранинг назаридан четда қолмайди. Асарларнинг мавзу доираси кенг. Уларнинг асосини Ватан мавзуси ташкил этгани киши дилга ёруғлик солади. Биз шу улғу Ватан — қўлларнинг ҳавасини келтираётган юртининг фарзандлари эканимиздан гурурланамиз.
Ватан тушунчаси у инсоннинг энг улғу туйғусига йўғрилган. Ватанга юзаки назар солиб бўлмайди. Унинг дарди билан яшаш керак. Уни эъзозламоқ,

қадрламоқ, унинг гуллаб-яшнашидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ, унинг учун хизмат қилмоқ, фидо бўлмоқ керак. Ахир Ватан она каби меҳрибон ва муқаддасдир.
Шоира Ватан олдидаги ўз бурчини тўғри тушунади. Шу боисдан Ватан мавзусига қайта-қайта мурожаат қилади. «Ватан ўзи нимадир?» деб бошланадиган шеъримизда «Бу менинг, сенинг, бизнинг уйимиз. Шодон завоқли дилдаги куйимиз. У ҳаммага бирдек тенг бошлана. Меҳри кўшдек юксак бу шодон юртда сон-саноксиз янги уйлар, кўчалар, хиёбонлар, боғлар, мактаблар, корхоналар қад кўтарди. Ҳар бир инсон муқаддас, муътабар диёрда ардоқланиб яшаётганидан бахтиёрдир», дейди шоира.

Китоб — онгимизга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироқ. Китоб бизга дўст, доимий ҳамроҳ. Болажонларга атаб ёзилган бир қатор шеърларда ҳам диёримизда ҳур, шодон, эркин яшаётган болаларнинг қувноқ ва бахтиёр ҳаётлари куйланади. Болалар ҳақидаги бундай шеърлар кичкинтойларга манзур бўладиган шеърий шакллардан, бадий воситалардан унумли фойдаланиб ёзилган.
Тўпламда киши қалбини қувонтирадиган шеърлар билан бирга айрим юзак, жўн мисралар ҳам йўқ эмас. Баъзи ҳикояларда бир-бирига мазмунан боғланмаган жумлалар, орага кириб қолган ортиқча сўзларга дуч келганда ноширинг масъулияти ҳақида ўйлаб қолсан, киши.
Шунга қарамай, мазкур китобга киритилган асарларнинг салмоғи каттагина. Шоира мустақилликка эришган буюк, муқаддас мамлакатимизнинг истикболлини, Ватанимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришларни, халқимизнинг фидокорона меҳнатини, ажойиб келажакни, эркин ҳаётини ўз асарларида тараннум эта олган. Бу унинг ютуғи.
Лола МАХСУМОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Шукронам аввало элимга, Диёрим — гуллаган чаманам. Узинг солган ишқни дилимга Фидо сенга жоним ва таним. Мустақилсан, хурсан, озодсан, Ўзбекистон — фаҳрим, эй онам, Қалбдан тошган соф муҳаббатимсан, Сенга бўлсин, сенга — шукронам! Шеър қисқа, аммо дилдаги соф тилак ва ният ифода-ланган. Инсонга бир марта бериладиган бебаҳо ва азиз умрнинг қадрига етиш, бу ўзгал мамлакатда гўзал яша-

моқликни, юртининг элнинг қадрига етмоқликни шоира муносиб тарзда талқин этади.
Тўпламдан «Ҳаёт шундай», «Умр — дарё», «Бева хотиннинг бир кунини», «Янги йил кутар кеча», «Пушаймонлик», «Ўқинч», «Қизлар» каби бир қатор ҳикоялар ҳам ўрин олган. Муаллиф ўз ҳикояларида ўқувчи учун ибратли воқеаларни ёритишга ҳаракат қилган. Асар қаҳрамонларининг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносибатлари ўз аксини топган. Шу билан бир-бирига мустақил юрт кишиларининг гўзал маънавий олами, олижаноб фазилатлари, гўзал хулқи ҳаётий мисолларда ёритиб берилган. «Ҳаёт шундай» деб номланган қисқачина ҳикояда ўз юртига, элига хизмат қилиб

Истиклол тенгдошлари



шаҳар босқичида фахрли ўринларга сазовор бўлдим. 9-синфини битириб, Самарқанд иқтисодиёт коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимига ўқишга кирдим. Коллежда ўқиш давримда "Йилнинг энг фаол китобхони" республика кўрик-танловида қатнашдим. Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Хуқуқ билимдонлари» танловининг мамлакат босқичида коллежимизнинг «Фемида» жамоаси олий ўринни эгаллади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти бугун ҳар бир қиз интиладиған эзгу мақсад, уларнинг ҳаёт йўлидаги улкан рағбатдир. Мен ҳам таълим ва спортдаги ютуқларим сабаб 2010 йилда ана шу юксак мукофотга лойиқ топилдим. Ҳозир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети иккинчи курс талабасиман.

Эришган ютуқларим замирида давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор, гамхўрлик самаралари мужассам. Булар минглаб тенгқурларим каби менга ҳам янада кўпроқ куч, маънавий қувват бағишлайди.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёшларнинг энг мустақам қалқони — билим ва тафаккурда, юксак маънавиятда эканини таъкидлайдилар. Мустақиллигимизни янада мустақамлашга ва Ватанимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиш, билдирилган юксак ишонччи оқлаш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

Муниса САНАКУЛОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси (ЎзА)

Муқаддас юртининг бахтли қизиман

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси бугун ҳар бир ўғил-қиз ҳаётида намоён бўлмоқда.

озир юртимизда спорт билан шуғулланмайдиган ёшларни топши қийин. Мен ҳам каратэ билан муттасил шуғулланаман. Ҳар гал машғулотлар асносида спорт инсонда қатъият, кучли ирода, ўзига ишонч, мақсад сари дадил интилиш каби олижаноб туйғуларни тарбиялашга қайта-қайта ишонч ҳосил қиламан.

Онамнинг айтишлари-ча, илгари ўзбек қизлари спортда галабаларга эришиши у ёқда турсин,

жисмоний тарбия дарсларида ҳам тўлиқ қатнаша олмас экан. Бунинг учун на шароит, на рағбат бўлган.

Бугун юртимизда ёшларнинг оммавий спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бундай эзгу ишлар самараси мен каби кўплаб қизлар ҳаётида ўз аксини топмоқда. 2004 йилдан буён спортнинг каратэ йўналиши бўйича ёшлар ўртасида тўққиз қарра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 2008 йили Тошкент шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича

Сурурбахш сатрлар

Ватаним — давлатим



Она,
демак не демак асли?!
Тинч тунларнинг ҳаловатидан
Бир миннатсиз воя кеча олган,
Уммон мисол ҳадиса меҳрининг
Барчасини баҳи эрта олган.
Фарзанд учун бир умри тугул
Юзта бўлса, юзидан ўтган,
Фарзандининг камоли учун
Ҳар синавга жасур юз тутган...

Сораник,
демак не демак асли?!
Бир ушорни қийналиб ютсанг,
Бир қултум сув бўлса бир заҳар,
Ҳеч бир давлат ёрдам этолмас
Мулки Сулаймонинг бўлсин гар.
Соғлиқ эрур — эркин яшамос.

Гарчи ўн-юз давлатинг йўқдир,
Дил ва танинг исқонжадамас,
Хотириг жам ва кўнглинг тўқдир.

Бойлик,
демак не демак асли?!
Асли унинг ўлчами йўқдир,
Олтин қаср бойлик бўлолмас.
Мезон эмас савлату дашам,
Дуру гавҳар, марварид, олмос.
Давлат эрур — отаю онанг,
Бойлик эрур — фарзанд камоли,
Давлат эрур — дурлик, ҳаловат,
Элу юртининг соғлом жамоли.

Ҳуралик,
демак не демак асли?!
Фарзандинга меҳринг беролсанг,
Ошу нонинг гарчи тугалмас,

Лек ўзанинг бўлио рағий
Унга тақий соломас, бас,
Ҳам виждонинг бўлса розатда,
Юзинг ерур, танинг бўлса соғ,
Остонанг ҳам покива бўлса,
Ҳам балолар Ватандан йироқ.

Ватан,
демак не демак асли?!
Сарҳад ичра ер-сув ва осмон
Ўз-ўзидан ватан саналмас.
Разбари йўқ оми оломон
Ўзига ватан донолмас.
У давлатки, мисли ҳақиқат —
Эгши, буқиш мумкин, лек мангу
Йўқ этолмас ҳеч бир куч уни
Давлатлардан катта давлат у!

Алпомиш МАШРАБХОН

ОФИСГА БЕПУЛ ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ!

«Офис рақами» хизмати

«Офис рақами» хизмати барча корпоратив гуруҳ учун битта шаҳар рақамини ўрнатиб, ушбу рақамга бепул қўнғироқлар қилиш имконини беради.

МТС Бир қадам олдинда



Телефон: 099 000 000, тел.: (033 07) 03 09 09, 131 09 09, 103 09 09, www.mts.uz / 1900000000
«Офис рақами» хизмати барча корпоратив гуруҳ учун битта шаҳар рақамини ўрнатиб, ушбу рақамга бепул қўнғироқлар қилиш имконини беради.
Хизматлар лицензияланган

ЛИЦЕНЗИЯ: RR-0001.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида ўз ҳудудий филиалларига эгадир.

Жамият Республикаси ҳудудда риэлторлик соҳасида қуйидаги йўналишлар бўйича хизматларни кўрсатади:

- кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;
- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишонччи бошқариш;
- кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари бўйича риэлторлик хизматларини кўрсатади.

Жамиятда сифатли риэлторлик хизматларини кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар ва кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислар мавжуд.

«Ko'snmas mulk savdo xizmati» Масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаятган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади.

Хурматли юртдошлар!

Жамиятимизда Сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

- Манзилимиз: Тошкент шаҳар Олмазор тумани, 1-Қорақамин кўчаси, 1а-уй.
- Муножат учун телефонлар: 228-80-23, 228-80-24, факс: 228-84-48.
- Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА ЭНГ БИРИНЧИ, ЭНГ ИШОНЧЛИ.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини классер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz, E-mail: ooo@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

ISSN 2010-7528



9 772010 752002

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир

Уктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга бажо жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими:
236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:

Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 5663 Буюртма — Г-855 123.5